Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 28 (7769). ● 10 февраль, 1982 йил ◆ ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ Х ЖАҲОН КОНГРЕССИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ГАВАНА ШАҲРИ

Азиз дўстлар!

Барча қитъалардаги меҳнат аҳлининг кўп миллионли оммасидан вакил бўлиб келган Касаба союзлари Х Жаҳон конгресси делегатлари ва меҳмонларини чин кўнгилдан табриклайман.

Меҳнат аҳлининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш—касаба союзларининг бош вазифасидир. Шу ҳуқуқлар орасида энг муҳими тинч яшаш ҳуқуқидир. Ҳозир шу ҳуқуқ хавф остида турибди. Империализм агрессия доирадарининг, унинг ҳарбий саноат комплексининг сиёсати янги жаҳон уруши хавфи кучайишига олиб бормоқда. Жаҳонга ҳукумронликни орзу қилаётган империалист доиралар урушга тайёргарликни даромадли бизнесга айлантириб юборишдилар, дунёдаги кескинлик жазаваси нақадар авж олса, қуролланиш пойгаси нақадар жадаллашса, бу бизнес уларга шу қадар кўп фойда келтиради.

Тинчлик тақдири учун ҳақли равишда ташвишланаётган халқлар милитаристларнинг тажовузини тўхтатишини, халқаро кескинликни юмшатиш сақлаб қолиниши ва мустаҳкамланишини, турли социал тузумдаги давлатларнинг кенг миқёсдаги ҳамкорлиги йўли 80-йилларда давом эттирилишини талаб қилмоқдалар. Уруш хавфининг олдини олиш ва қуролланиш пойгасини тўхтатиш йўлини изчиллик билан ўтказиб келаётган Совет Иттифоқи бу талабларни тўла равишда тушуниб, қўллаб-қувватламоқда.

Ҳозирги шароитда қуролланиш пойгасини чеклаш йўлида конкрет амалий қадамлар қўйиш ҳаётий муҳим ва зарур эканлигига аминмиз. Шу қадамлар истиқбол йўлини белгилаб бериши лозим. Касаба союзлари тараққиётнинг айни шу йўлдан бериши учун кўп иш қилишлари мумкин.

Бизнинг давримизда қуролланиш пойгасига қарши, ҳарбий саноатни тинчлик изига кўчириш учун кураш меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларини ҳимоя қилиш билан, касаба союзларининг монополиялар ўтказаётган эксплуататорлик сиёсатига, ишсизликка, пулнинг қадрсизланишига ва капитализмнинг бошқа социал иллатларига қарши, империализм келтириб чиқарган янги мустамлакачилик, апартеид, ирқчилик ва фашизм сингари яроқсиз ҳолатларга қарши кураши билан ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкам ва узвий равишда боғлиқдир.

Касаба союзларининг Х Жаҳон конгресси қаҳрамон озодлик оролида ўтмоқда. Куба халқи чинакам революцион умидворлик билан янги жамият қурмоқда. У ўзининг иродаси букилмаслигини, АҚШ империалист доираларининг ҳар қандай игвогарлиги ва дўқ-пўписаси, ҳеч қандай бойкоти ва лўттибозлиги уни ўзи танлаб олган йўлдан қайтара олмаслигини бутун дунёга намойиш этмоқда. Куба халқи халқаро ишчилар синфининг у билан бирдамлигини, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар у билан ҳамдам эканини билади.

Социализм дунёсида касаба союзлари ўсиб, катта ижтимоий кучга айланди. Касаба союзларига ишлаб чиқаришни бошқаришда, сиёсий, хўжалик ва социал-маданий масалаларни ҳал этишда жуда кенг ҳуқуқлар ва ваколатлар бериб қўйилган, улар демократияни такомиллаштириш ва ривожлантиришда фаол қатнашмоқда. Коммунистик партия билан Совет давлати Ленин анъаналарига амал қилиб, касаба союзларини, уларнинг меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилиш, фаровонлигини муттасил ошириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва меҳнат шароитларини яхшилаш, янги инсонни камол топтириш соҳасидаги фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқдалар.

Урушга қарши, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашдаги муваффақият кўп жиҳатдан турли маслакдаги касаба союзларининг империализмга қарши синфий асосдаги ҳаракат бирлигига боғлиқ бўлади. Касаба союзлари Жаҳон федерацияси шу принципларга амал қилмоқда. Совет касаба союзлари федерациянинг фаолиятига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, унинг жанговарлигига ўсишига, кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасидаги обрў-эътибори мустаҳкамланишига кўмаклашмоқдалар.

Сизларнинг конгрессингиз халқаро касаба союз ҳаракатининг замонамиз туб масалаларини — тинчлик, демократия, социал тараққиёт масалаларини меҳнат аҳлининг манфаатларини кўзлаб ҳал этиш йўлидаги курашида муҳим босқич бўлиб қолишига аминман.

Л. БРЕЖНЕВ.

МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШ — ШАРАФЛИ БУРЧ

Янги бунёдкорлик режаларини дадиллик билан тузиш, эртанги кунга ишонч билан боқиш совет кишиларига хос хусусиятдир. Бунинг сабаби аён. Биз бугун кечаги қилинган унумли меҳнатнинг самарасини кўриб турамиз, эртамиз эса бугундан бошланишини яхши биламиз. Кеча қўйган қадамимиз дадил бўлгани учун бугунги ва эртанги одимимиз ишончлироқ чиқади, янада катта ишларга кўл урамиз.

Кундан-кун юксалиб бораётган пойтахт областимиз экономикасида ҳам шундай ўзгаришлар, дадил одимларни кўриш мумкин. Областимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини фидокорона меҳнат, юксак ғайрат-шижоат билан нишонладилар. Улар республика олдида турган катта вазифалар оширилиб бажарилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Ўтган йили ишлаб чиқариш ҳажми пландаги 3 процент ўрнига 5,3 процент ортди. Планга қўшимча 107 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Бинокорлар уй-жойлар ва социал маданий-маиший объектларни фойдаланишга топшириш бўйича катта ишлар қилдилар. Ғазалкент ГЭСининг 2 та энергоблоки, Бекобод металлургия заводида янги комплекс, Ўрта Чирчиқ районида йирик панелли уйсозлик комбинати, Чирчиқ сут заводи, Тошкент трактор заводида, В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида қўшимча ишлаб чиқариш майдонлари ва бошқа объектлар фойдаланишга топширилди. Янги чорвачилик комплекслари қурилди.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари жуда ноқулай обҳаво шароитларига қарамай катта ютуқларга эришдилар.

Совет кишилари қўлга киритилган натижа билан кифояланиб қолишга, хотиржамликка, кибр-ҳавога берилишга одатланган эмаслар. Шунинг учун ҳам областимиз меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитетининг 1981 йил ноябрь Пленуми қарорларига, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумдаги нутқида баён этилган қоидалар ва хулосаларга амал қилиб, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқдалар.

Ҳамма жойларда партия-хўжалик активлари бўлиб ўтди. Уларда барча соҳалар бўйича 1981 йил якунлари пухта таҳлил этилди, тармоқларни янада ривожлантириш вазифалари муҳокама қилиниб, тўпланган тажриба асосида 1982 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар белгиланди.

Яқинда матбуотда Тошкент шаҳри ва области меҳнаткашларининг юбилей йилидаги янги марралари эълон қилинади. Бу йил бизда саноат ишлаб чиқаришнинг ҳажми ўтган йилдагига қарагандa 5 процент ортиши таъминланиши керак. Пландагидан ташқари 80 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. 400 хил буюм давлат Сифат белгиси учун аттестация қилинади.

Қурувчилар ҳам СССРнинг 60 йиллик юбилейига катта меҳнат совғалари ҳозирлайдилар. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида, Тошкент трактор заводида янги қувватлар барвақт ишга туширилади. Олмалиқда уйсозлик комбинати, Ангрен шаҳрида янги нон заводи, Тошкентда ҳажмли-блокли уйсозлик заводи муддатидан олдин ишлай бошлайди.

Ҳар бир қурилиш, монтаж, лойиҳа ташкилотлари ва бинокорлик индустрияси корхоналари коллективлари 1982 йил учун ўз зиммаларига шундай конкрет мажбуриятлар олдилар.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун актив йиғилишларида таъкидланганидек, бутун куч ва ресурсларни имкони борича кўпроқ марказлаштириш, юксак уюшқоқлик ва интизом, қурилиш ишларини инженерлик жиҳатидан пухта тайёрлаш керак. Ишга туширилиадиган объектларга, чала қурилишларни камайтиришга, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилашга катта эътибор бериш лозим.

Меҳнат коллективлари қабул қилган социалистик мажбуриятларда халқ истеъмоли товарларини кўпроқ ишлаб чиқаришга алоҳида ўрин берилган. Шуни айтиш керакки, областдаги баъзи йирик корхоналарда ҳамон кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга иккинчи даражали иш деб қаралмоқда. Мажбуриятнинг бу пункти ўтган йили бир қатор коллективлар томонидан бажарилмади. Шунинг учун янги йилда партия ва совет ташкилотлари маҳаллий хом ашё ва чиқиндилардан истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, улар ассортиментини хилма-хил қилиш юзасидан доимий назорат ўрнатишлари лозим.

Ишлаб чиқаришни юксалтириш, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг коллектив формаларини жорий этишга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Афсуски, айрим идоралар ва тармоқларда бу муҳим ишга дуруст эътибор берилмаяпти. Нашриёт, полиграфия, китоб савдоси корхоналарида бу иш аслида бошланганги йўқ. Озиқ-овқат саноатининг қатор корхоналари ишчиларининг жуда оз проценти ана шу прогрессив метод билан ишламоқда.

Область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари партиянинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш ҳақидаги чақириғига амалий иш блан жавоб бериб, деҳқончилик ва чорвачилик барча тармоқларининг самарадорлигини оширишни таъминлашга аҳд қилдилар. Бу йил ҳар гектар ердан 38 центнердан пахта етиштирилади, ҳосилнинг 85 проценти машиналар ёрдамида териб олинади ва 440 минг тонна пахта тайёрланади. Давлатга 85 минг тонна дон, 495 минг тонна сабзавот, 105 минг тонна картошка ва бошқа хил маҳсулотлар сотилади.

Чорвадорлар тармоқни интенсив юритиш соҳасида катта ишларни амалга оширмоқдалар. Яқинда еттн илғор чорвадор республикадаги барча чорвачилик ходимларига мурожаат билан чиқди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети маъқуллаган бу ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берганлар орасида областимизнинг уч вакили бор. Жумладан, Оржоникидзе районидаги «Красний водопад» эксперментал базасидан сут соғувчи оператор А. И. Чудная ўзига бириктирилган 172 бош сигирнинг ҳар биридан 5100 килограммдан, жами 877 тонна сут соғиб олишга аҳд қилди. Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозидан сут соғувчи М. Исоқова сигирларнинг ҳар биридан соғиб олинадиган сутнинг миқдорини 6 минг килограммга етказиш юзасидан янги мажбурият олди. Калинин районидаги «Рассвет» совхозидаги чўчқаларни бўрдоқига боқиш оператори М. А. Моргунова ҳар бир бош чўчқани кунига 600 граммдан семиртиришга сўз берди. Бу ватанпарварлик ҳаракатининг муваффақияти кўп жиҳатдан чорва қишловини намунали тугаллаш, молларни ҳозирги қиш шароитида тўйимли озиқлантириш ва яхши парвариш қилиш, илғор тажриба ва фан ютуқлари жорий этилишига боғлиқдир.

Қабул этилган мажбуриятларни тўла уддасидан чиқиш учун меҳнаткашларнинг бутун кучи, ғайрати, маҳорати ва билимини сабот билан сафарбар қилиш, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг ташкилотчилик ҳамда сиёсий фаолиятини муттасил такомиллаштириш керак.

СССРнинг 60 йиллиги халқларимиз дўстлиги ва қардошлигининг, партия ленинча миллий сиёсати тантанасининг катта байрами бўлади. Барча совет кишилари қатори пойтахт областимиз меҳнаткашлари ана шу воқеани муносиб кутиб олишни ўзларининг жонажон ишлари деб биладилар. Лабзи ҳалол ишчи ва деҳқонларимиз зиммадаги мажбуриятларини бажариш билан халқ фаровонлигини янада оширишга, Ватанимиз қудратини мустаҳкамлашга ҳисса қўшадилар.

СССР нинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта!

▲ РЕСПУБЛИКА Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Наримонов шаҳридаги ихтисослашган ишлаб чиқариш корхонасининг кўп станокчи токари Тўхтар Эшхўжаев ўтган беш йиллик топшириғини уч йилда бажарган эди. Илғор ишчи ўн биринчи беш йиллик давомида ўн йиллик нормани бажаришга аҳд қилган. У ваъдасини шараф билан бажармоқда. Шу кунларда 1983 йил ҳисобига ишлаяпти. Суратда: токарь Т. Эшхўжаев иш устида.

В. Свроткин фотоси.

«СЕРГЕЛИ» — ФАБРИКАСИ

Тошкент яқинида ана шундай фабрика ишлай бошлади. Фабриканинг сўнгги навбати — репродуктор ферма ишга тушди. Бу ферма ҳар йили эллик минг бош чўчқа боласини боқиб семиртиради.

Фабрика тўла-тўкис механизациялаштирилган. Операторлар жониворларни бир-бир ярим соат ичида озиқлантирадилар ва суғорадилар. Комплексга беш мингта зотли ургочи чўчқа болалари келтирилди. Корхона савдо тармоқларига йил сайин 6100 тонна чўчқа гўшти етказиб берадиган бўлади.

Ўзбекистонда чўчқачилик тез суръатлар билан ривожланмоқда. Республиканинг турли зоналарида олтита комплекс барпо этилди. Бу комплексларда ярим миллиондан кўпроқ чўчқа бор. Шу беш йилликда бундай корхоналар сони икки баравар кўпаяди.

(ТАСС мухбири).

БРИГАДА ПУДРАТИ АСОСИДА

БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИ

Тўлқин Самигов бошчилигидаги бригада республикамиз пойтахтидаги 49-қурилиш бошқармасининг машъал коллективи ҳисобланади. Биринчилар қатори бригада пудрати усулини қўлланиб ишлаётган бинокорлар унинг афзалликларидан моҳирона фойдаланмоқдалар. Шунинг учун ҳам иш кўрсаткичлари юксак бўлмоқда.

Бригада аъзолари ўнинчи беш йилликда ўн йиллик топшириқни бажариш ҳақидаги ваъдаларини муваффақиятли уддалашган эди. Улар ўн биринчи беш йилликда ҳам ками билан худди шундай марани эгаллашга аҳд қилиб ишламоқдалар. Тўнгич йил якуни бу ваъда шараф билан бажарилаётганлигидан далолат бериб турипти. Бунёдкорлар ўтган йилнинг декабрь ойидаёқ 1983 йил ҳисобига ишлай бошладилар. Кўплаб қурилиш материалларини ҳам тежаб қолишяпти.

Шу кунларда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига 60 зарбдор ҳафтада туриб ишлаётган бинокорлар Халқлар дўстлиги проспектида беш қаватли турар-жойни жадал қуришяпти. Унинг дастлабки қаватлари кўздан чиқарилди. Бу қаватларда пардозлаш ишлари бошланиб кетди. Коллектив ютуқларига қатор турдош касбларни эгаллаган Акрам Шоҳакимов, Геннадий Гордиенко, Ўринбой Маҳкамов, Ғани Валиев, Аббос Азимов каби машъал бинокорлар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар нормани икки баравардан ошириб адо этишмоқда.

Бригадирнинг кўп йиллик самарали меҳнати муносиб тақдирланган. Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Халқлар дўстлиги орденлари ва қатор медаллар унинг кўксини яшнатиб турипти. Коллектив раҳбарининг ташкилотчилик қобилияти бригада меҳнати натижасининг самарали бўлишида ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

С. СУЛТОНОВ.

ТЕХНИКА ТАХТ

ЧИНОЗ РАЙОНИДАГИ Охунбобоев номли колхоз аъзолари 1981 йилда 1480 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар. Давлатга 5736 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотилиб, план 106,2 процент қилиб бажарилди.

— Эришилган ютуқда колхозимиз механизаторларининг ҳиссалари каттадир, — дейди колхоз раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комилжон Азимов. — Пахта ҳосилининг 85 процентдан ортиги «зангори кема»лар ёрдамида териб олинди.

Ҳозир 1982 йил ҳосилига пухта замин тайёрланар экан, асосий эътибор техника ремонтига қаратилди. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти бу ишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқди. Уларга асосан трактор паркида 2 та ремонтчилар бригадаси тузилди. Трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини созлашга 30 ремонтчи жалб этилди. Техника ремонтини ташкил этишга бош инженер, республикада хизмат кўрсатган механизатор Аҳмадхўжа Сандўжаев, механик Абдурасул Нортоев, ремонт устахонаси мудири Тошпўлат Исоқовлар бошқош бўлмоқдалар.

— Ҳозир мавжуд 60 та ҳайдов трактори ремонт қилинянти. — дейди устахона токари Рустам Исломов. — Зарур эҳтиёт қисмлар тайёрлаб бериш учун астойдил ҳаракат қилянман.

Устахонада ремонтчи слесарлар йил давомида мунтазам ишлайдилар. Ҳозир улар билан бирга механизаторлар ҳам иш қуролларини янги мавсумга созламоқдалар. Убайдулла Кўчқоров, Даврон Тўқлибоев, Мустафо Юсупов сингари механизаторлар ўтган йили машиналарида 100—150 тоннадан пахта териб беришган эди. Шу кунларда улар ремонтда ҳам зарбдорларча ишлаяпти.

Ҳайдов ва чопиқ тракторлари, чигит экиш агрегатлари, культиваторлар ремонти асосан тугалланди. Механизатор ва ремонтчилар қисқа муддат ичида 60 та ҳайдов тракторн, 18 та седлка, 29 та пахта териш машинаси, шунингдек, тележка ва бошқа механизмларни ишга тахт қилиб қўйдилар.

А. РАҲИМОВ.

ҲОЗИРГИ ЗАМОННИНГ АТОҚЛИ АРБОБИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг 75 йиллигига бағишланган материаллар «Улуғ Ленин ишининг содиқ давомчиси» деган сарлавҳа билан китоб қилиб чиқарилди.

Китоб КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг ўртоқ Л. И. Брежневга йўллаган табрикномаси билан очилади.

Унга партия билан халқнинг содиқ фарзанди, Коммунистик партия билан Совет давлатининг раҳбари, замонамизнинг атоқли сиёсий арбобига Ватаннинг олий мукофоти — Ленин ордени ва Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин юлдуз» медали топширилганлиги тўғрисидаги, ўртоқ Л. И. Брежневга социалистик мамлакатларнинг мукофотлари, Афғонистоннинг олий мукофоти топширилгани ҳақидаги, унинг 75 йиллиги муносабати билан Кремлда ўтказилган қабул маросими ҳақидаги материаллар киритилган.

Совет Иттифоқининг партия ва давлат органларидан ҳамда жамоат ташкилотларидан Л. И. Брежневга юборилган қутловлар ва табрикномалар, чет эллардан олинган қутловлар ва табрикномалар китобдан жой олган.

Китобни сиёсий давлат нашриёти кўп нусхада чиқарди.

(ТАСС).

ГАЗЛАМАЛАР — УЗОҚ ШАРҚҚА

СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталиклар Тошкент тўқимачилик комбинатида ҳам кўтаринки руҳда давом этмоқда. БАМга бағишланган ўтган ҳафталик якунлари бўйича комбинатнинг 3-йигирув фабрикаси коллективи голиб деб топилди. Фабрикадаги бўлинмалар ўртасида эса Мария Александровна ва Ойдин Отамуродова бошлиқлик сменалар энг юқори кўрсаткичга эришиб, фахрли ўринларни эгаллашди.

Мария Александровна бошчилик қилаётган сменада шахсий меҳнат беллашуви кенг авж олдирилди. Бу мусобақада ўтган ҳафта давомида вилиловчи Г. Савеличева, қайта таровчи З. Йўлдошева, пилталовчи М. Сулеминалар смена топшириқларини мунтазам 115—120 процентга етказиб илғорлар сафидан ўрин олдилар. Бригадаларо мусобақада эса мастер ёрдамчиси Энвер Зарипов бошлиқ коллектив голиб чиқди.

О. Отамуродова бошлиқ 2-сменада ҳам юқори кўрсаткичлар қайд қилинди. Пиликловчи Ф. Салимова, пилталовчи М. Рўзибоевалар шахсий мусобақа голиби деб топилди. Мастер ёрдамчиси А. Крайнов бошлиқ коллектив эса ҳафталик планни 113 процент адо этди.

Ўтган ҳафтада тошкентлик тўқимачилар ишлаб чиқарган ўн минглаб метр газлама Узоқ Шарққа жўнатилди.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
Тошкент тўқимачилик комбинатининг ходими.

▲ БЕКОБОД районидаги А. Мавлонов номли совхоз чорвадорлари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта шиори остида ўтаётган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида актив иштирок этиб, кундан-кунга юқори натижаларга эришмоқдалар. Бу ерда қиш даврида ҳам чорва моллар маҳсулдорлиги ортиб бормоқда. Суратларда: (юқорида, чапдан ўнгга) хўжаликнинг илғор бузоқ боқарлари З. Ашурова, А. Сандумарова ва М. Гулмоновалар. Улар чорвадорлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилиб келишмоқда. (Пастда) совхознинг товуқчилик фермаси.

Ш. Алимов ва Р. Нуриддинов фотолари. (ЎзТАГ).



КЎКЛАМГА ШАЙМИЗ

БРИГАДАМИЗ меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартийси XX съезди қарорларига амалий иш билан жавоб бериб съездлар йилида зиммага олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Она-Ватанимиз бригадамиз аъзоларидан мўл ва юқори сортли пахта ҳосили қабул қилиб олди. Ҳар гектар майдондан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнердан «оқ олтин» топширдик.

Баракали хирмонимизга бригадамизнинг Али Тоғаев, Турғун Ҳусанов, Ибодулла Укибоев, Турсунбой Мамиров, Анор Суярова, Жамила Ҳусанова, Раъно Йўлдошева сингари аъзолари муносиб ҳисса қўшдилар.

Қўлга киритилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш учун курашаётган бригадамиз аъзолари СССРнинг 60 йиллик юбилейи нишонланадиган 1982 йил ҳосилига пухта замин тайёрлаб қўймоқдалар. Яқинда матбуотда эълон қилинган КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «1982 йилда кўкламги дала ишларига ҳозирлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар тўғрисида»ги қарори бригадамиз аъзоларининг ғайратини янада жўш урдириб юборди. Ҳозиргача бригадамизга бириктирилган барча экиш агрегатлари, транспорт тракторлари тўла, сифатли ремонтдан чиқарилди.

Бундан ташқари бригадамиз атрофидаги эски йўлларни, фойдаланилмай ётган ташландиқ ерларни қишлоқ хўжалик оборотига киритмоқдамиз. Айрим ерларнинг гектарига 20—30 тоннадан маҳаллий ўғит солинди.

Бригадамиз аъзоларининг СССР 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилидаги марралари аниқ. Биз ҳар гектар ердан 45 центнердан «оқ олтин» етиштирамиз.

З. ХОЛБОЕВА,
Оққўрғон районидаги Х. Олимжон номли колхоз бригадаси бошлиғи.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ТАШКИЛОТЛАРДАН ХАТЛАР

ОЛДИНГИ САФЛАРДА

Корхонамиз коммунистлари ўтган йилларда тўпланган тажрибаларга амал қилган ҳолда беш йиллиқнинг иккинчи йилида ҳам социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқдалар. Улар фақат ўзлари яхши ишлаб қолмай балки бошқаларни ҳам унумли меҳнат қилишга, илғорлар билан тенг қадам ташлашга ундамоқдалар.

Илғорлари корхонамиз қолоқлар қаторида тилга олинар эди. Бўлиб ўтган партия йиғилишларидан бирида биз маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқдик. Кишиларда тойширилган иш учун масъулият ҳисси оширилди, парткўроо мажлисларида коммунистлар, цех раҳбарлари ишнинг борыши юзасидан ҳисоб бериб турдилар. Бу тадбир ўзида яхши самаралар берди. Ҳозирги кунда корхонамиз маркаси босилган маҳсулотларнинг 4 та тури давлат сифат белгиси билан чиқарилмоқда.

Коммунистларнинг яқинда бўлиб ўтган очиқ партия йиғилишида КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми қарорлари асосида коллектив олдида турган вазифаларни атрофлича муҳокама қилдик. Ўтган йилда қўлга киритилган ютуқларни таҳлил этдик. Ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилида жами 23 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бу планда белгиланганидан 1 миллион сўмлик кўпдир. Линолеум, полиэтилен пленкаси, уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқариш анча кўпайди.

Бу йил ҳам ишчиларимиз ҳам деганда 23 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишга, 3700 минг квадрат метр линолеум тайёрлашга аҳд қилдилар. Белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллаш учун қизғин мусобақа кетяпти. Бу мусобақада коммунистлар олдинги сафларда бормоқдалар.

Корхонамиз партия ташкилоти ҳисобида 56 коммунист бор. Улар 5 та цех партия ташкилотига бирлашганлар. Ўтган йили меҳнатда илғор, ижтимоий ҳаётда актив ишчилардан уч киши партия аъзолигига кандидатликка қабул қилинди. Ҳозирги кунда улар кандидатлик муддатини шараф билан ўтамоқдалар. Партия аъзолигига кандидатлар — линолеум цехи ишчиси М. Ашурова ҳам, қувур тайёрлаш цехи ишчилари Р. Раҳмонова, З. Эрназарова ҳам келаси йил ҳисобидан маҳсулот ишлаб чиқармоқдалар.

Корхонамизда бундай илғорлар оз эмас. Коммунистлардан линолеум цехи ишчиси М. Маллер, қувур цехи ишчилари В. Медведева, Р. Ким СССРнинг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафталикни биринчи бўлиб эълон қилишган эди. Улар ташаббуси ҳозир барча участкаларда кенг қулоч ёйган. Ҳар бир цех, ҳар бир участка коллективи шонли юбилей шарафига ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилаяпти.

Илғорлар ташаббусини таргиб қилишда, тўпланган бой тажрибаларни оммалаштиришда идеология кадрларни катта роль ўйнамоқдалар. 15 сиёсий ахборотчи, 20 агитатор, 24 сиёсий ташкилотчи ишчилар ўртасида катта оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқдалар.

У. ШЕРМАТОВ,
Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинати партия ташкилотининг секретари.

ДАЛАДАН — ДАРСХОНАГА

Дала ва фермаларда меҳнат қилаётган кишилар ишдан сўнг парталарда ўтириб, ўз билимларини оширишга киришмоқдалар. Марксча-ленинча ўқув ва иқтисодий таълим системасида билим олаётган кишилар сони йил сайин кўпайиб бораяпти. Янги ўқув йилида районда 33 та марксизм-ленинизм мактаби, 24 та илмий коммунизм мактабида машғулотлар мунтазам ўтиб турипти. Иқтисодий таълим, комсомол сиёсий маорифи, ёш коммунистлар мактабларида ,ҳам кўплаб пахтакорлар, механизаторлар, чорвадорлар билим олмоқдалар.

Район марказий касалхонаси бошлағиғ партия ташкилоти ҳузурида ташкил этилган илмий коммунизм мактабида 25 нафар, марксизм-ленинизм асослари мактабида эса 29 нафар коммунист билим олмоқда. Насриддин Тошпўлатов, Мажид Самадов, Николай Гомозов каби актив пропагандистлар улар билан қизиқарли машғулотлар ўтказмоқдалар.

Охунбобоев номли колхоз партия комитети ҳам коммунистлар сиёсий билимини оширишга алоҳида эътибор беряпти. Бу ерда 2 та марксизм-ленинизм мактаби, битта илмий коммунизм мактаби иш олиб борляпти. Машғулотларда тингловчилар эътибори коллектив олдида турган муҳим вазифаларга қаратилмоқда.

Машғулотлар ўтказиладиган хоналар турли шиор, диаграмма ва плакатлар билан жиҳозланган. Тингловчилар зарур адабиётлар, сиёсий ва иқтисодий билимларни пропаганда қилувчи китоблар билан таъминланган. Тингловчилар бу карточкадан мактабнинг номи, қайси мавзуни ўрганиши, машғулотларни ўтказиш вақти ва жойини аниқ билиб оладилар. Бу карточкаларга эга бўлган тингловчилар машғулотларга ўз вақтида келмоқдалар ва ўтиладиган мавзудан барвақт хабардор бўлмоқдалар.

Район партия комитети бу йил пропагандистларни танлаш, тарбиялаш ва жойжойига қўйишга алоҳида эътибор берди. Ҳозир 200 коммунист бу муҳим партиявий топшириқни жон-дили билан бажармоқда. Улар машғулотларни одатда кўргазмали қуроллар, диафильмлар ёрдамида ўтказмоқдалар. Бу тадбир ўтиладиган мавзу моҳиятини тингловчиларга тўлароқ етказиш ва машғулотларни қизиқарли ўтказиш имконини берляпти.

Х. ТОЖИМАТОВ,
Пискент райони.



● «СРЕДАЗКАБЕЛЬ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг телефон кабели цехи техник жиҳатдан қайта ускуналанди. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш майдони анча қисқарди, ишчилар сони икки баравар камайди. Суратда: телефон кабеллари сими ишлаб чиқарувчи янги автоматлашган линиялар участкаси. Г. Пун фотоси. (ЎзТАГ).

БИЛИМ ВА МЕҲНАТ ҲАМОҲАНГ

ТАЖРИБА МАКТАБИ

Навқирон Янгиободнинг Дукент қишлоғи замонавий турар-жой кварталлари, кенг равон кўчалари билан бугун яна файзли кўринади. Бир ёқда маиший хизмат кўрсатиш комбинати, «Ором» кафеси, бир ёқда эса қатор магазинлар, пионерлар уйи. Мана бу ерда яқин йиллар ичида ҳашаматли Маданият саройи ва «Бахт уйи» қад кўтаради. Ҳозирча қурилиш ишлари давом этмоқда.

Дукент қишлоғини кесиб ўтган асосий кўча шинам уйлар орасидан бизни Ю. А. Гагарин номли 174-ўрта ҳунар-техника билим юртига олиб боради.

Ҳунар масканида ўзгача чирой ва тантанаворлик ҳукм сурмоқда. Биз бинога яқинлашамиз. Архитектуранинг энг замонавий талаблари асосида қурилган бу кошонани ҳеч муболағасиз касб-ҳунар қасри деб аташ мумкин.

Кенг ва ёруғ заллар, ўқув хоналари, устахоналар бу-ларнинг барчасида талабаларнинг янада чуқурроқ билим олишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Ёш ишчи кадрлар тайёрлашда эришган ютуқлари, таълим ва тарбия ишларидаги катта муваффақиятлари учун у «Юқори маданиятли билим юрти» деган шарафли номга сазовор бўлган.

Бугун бу ерда республикамиз ҳунар-техника билим юртларининг директорлари, таълим-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари «Ишларни коммунистик руҳда тарбиялашни комплекс планлаштириш» мавзуидаги икки кунлик тажриба мактаби — машғулотларига тўпланишди.

Машғулотларни республика ҳунар-техника таълими давлат комитети раисининг ўринбосари Х. Н. Мўминов очди.

— Кейинги йилларда ҳунар-техника таълими системасида бўлажак ишчиларда коммунистик эътиқодни, Ватан олдидаги ўз бурчини сидқидиллик билан бажаришга тайёрлаш ҳиссини шакллантиришга жиддий эътибор берилмоқда, — деди у. — Бунда партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини, советлар мамлакати учун, Ватанимиз учун фахрланиш, социализм галабаларини ҳимоя қилишга тайёр бўлиб туриш ҳиссини меҳнаткашлар, аввало ёш авлод онгига сингдириш партиянинг энг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади», деган сўзлари бизга ҳамиша даъваткор куч бағишлаб туради.

Бу вазифаларни ҳал этишда педагог ва ишлаб чиқариш мастерларининг роли бениҳоя катта. Аҳдига маҳкам, иродаси мустаҳкам, эътиқодига умрбод садоқатли ёшларни вояга етказиш, уларни оталарнинг шонли анъаналари руҳида тарбиялаш тажрибасини ўртоқлашишга келган билим юртлари ўқитувчилари, мураббийлари лекциялар тинглашга киришдилар.

Йиғилганлар Ю. А. Гагарин номли 174-ҳунар-техника билим юртининг директори Л. Н. Настюкованинг «Тарбия ишларини комплекс планлаштириш тажрибасидан» мавзуидаги нутқини қизиқиш билан эшитдилар. У билим юртида ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг роли ҳақида гапириб берди. Шунингдек, директор билим юртида ташкил қилинган жанговар ва шон-шуҳрат музейи, интернационал дўстлик клуби ҳуқуқ билимлари университетининг самарали фаолияти ҳақида ҳам батафсил тўхталди.

Танаффус вақтида тажриба мактаби тингловчилари билим юрти ижтимоий фанлар кабинетларининг жиҳозланиши, кутубхона фаолияти билан танишдилар.

Билим юртида йигит ва қизлар 13 ихтисослик бўйича касб эгалламоқдалар. Дарс хоналарининг барчаси лингофон аппаратлари, электрон экзаменатор, телевизор, радио ва кино установкалари билан жиҳозланган.

Билим юртининг ёнғинсидаги ётоқхонада, бой китоб фондига эга бўлган кутубхонада турли мавзудаги давра кечалари конференциялар ўтказилиб турилади. Бу эса уларда ҳаётга, меҳнатга муҳаббат туйғуларини шакллантиради.

Кейинги дарс билим юрти талабалари ижросида тайёрланган озғаки журнал, Ленин партияси ва комсомолга, ҳазрати олий ишчи синфига бағишланди. Сўнгра кутубхонада Л. И. Брежневнинг «Эсдаликлар» асари бўйича конференция ўтказилди. Шу куни меҳмонлар «Тарбия. Сен уни қандай тушунасан?!» мавзуидаги давра суҳбатида иштирок этдилар ва улар учун СССРнинг 60 йиллигига бағишланган адабий музикали композиция кўрсатилди.

Машғулотларнинг иккинчи кунида ҳунар-техника билим юртининг жамиятшунослик ўқитувчиси Т. А. Зинченконинг «Капитализм умумий кризиси» мавзусидаги дарси анализ қилинди. Тингловчилар шу куни эстетика фани кабинети ва билим юртининг санъат музейи, расмлар галереяси билан танишдилар, кейин улар талабалар билан биргаликда «Ишчи академияси» ҳужжатли фильмини томоша қилдилар.

Тажриба мактаби машғулотлари тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Улар билим юртидан анчагина назарий ва амалий тажриба олиб қайтдилар.

А. НОСИРОВА.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ИДЕОЛОГИЯ ЗВЕНОЛАРИ

▲ **ВАРНАУЛ.** Олтой ўлкасидаги барча чорвачилик фермаларида доимо ишлаб турадиган идеология звенолари ташкил қилинди. Бу звеноларга хўжаликлар партия комитетлари ва партия бюролари олиб борадиган сиёсий-тарбиявий иш марказига айланди. Буидай звеноларга сони бир мингдан кўпроқдир. Бу ишнинг бошқа формалари ҳам йўлга қўйилган. Кўпгина хўжаликларда «чоршанба кунлари» мунтазам равишда ўтказилиб турибди. Чўпонлар, молбоқарлар, сут согувчилар шу чоршанба кунлари партия ташкилотларининг оператив ахбороти билан танишадилар.

●

ЯНГИ ДАВОЛАШ МАСКАНИ

▲ **ДАШКЕСАН (Озарбайжон ССР).** Озарбайжон кон бойитиш комбинати санаторий-профилакторий территориясида шифобахш сув билан даволайдиган бино қуриб битказилди. Бу ерда турли касалликларни даволаш учун машҳур Нафталан курортининг шифобахш нефтидан фойдаланилмоқда. Энди корхонада «саломатлик цехи»ни реконструкция қилиш батамом тугалланди. Бу ерда ҳар йили уч мингдан кўпроқ киши дам олади.

●

«Мосфильм» киностудиясида постановкачи режиссёрлар В. Краснопольский ва В. Усков А. Иванов сценарийси асосида «Мангу даъват» иккинчи фильмини суратга олмоқдалар. Етти сериядан иборат янги кино асари уруш ва урушдан кейинги давр тўғрисида ҳикоя қилади. Суратда: (чапдан ўнгга) фильмда суратга тушаётган актёрлар Николай Иванов, Юрий Смирнов ва Петр Вельяминовлар.

Н. Малишев фотоси. ТАСС фотохроникаси.

●

ЯЙЛОВЛАРДА ИЛЬИЧ НУРИ ПОРЛАДИ

▲ **ЛЕРИК (Озарбайжон ССР).** Муғон даштидаги қишки яйловларга юқори вольтли электр линияси тортилди. Бу линия чўпонларнинг уйларини, катта қўйчилик хўжаликларининг қўшларларини электр энергия билан таъминлади. Янги линия чорвачиликда кенг қўлламда фойдаланилаётган электр машина-ускуналарини узлуксиз ишлатиб туришни, ўт-ўлан ўсадиган ерларни суғоришни анча енгиллаштиришга ёрдам беради.

Кейинги ўн йил мобайнида республика қишлоқларида электр энергияни истеъмол қилиш салкам бир ярим баравар кўпайди.

(ТАСС).

●

● **ЛИТВА.** Каунас шаҳридаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган «Динамо» тажриба фабрикаси усти пластинка билан қопланган янги чанғиларни қўллаб тайёрламоқда. Бу чанғилар вазни енгилроқ, кўпинча мустаҳкам бўлиб, ҳар қандай об-ҳавода яхши сирғанади. Янги чанғилар Финляндиянинг «Макрон» фирмаси билан ҳамкорликда чиқарилмоқда. Йил давомида 50 минг жуфт янги чанғи тайёрланади.

К. Юрял фотоси.

ҚУРИЛИШДА ҲИСОБОТНИНГ ЯНГИ ФОРМАСИ

ХЎЖАЛИКНИ САМАРАЛИ ЮРИТАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Планлаштиришни яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда иш сифатини оширишга хўжалик механизмининг таъсирини кучайтириш ҳақидаги» қарорига мувофиқ областимиздаги барча қурилиш-монтаж ташкилотлари 1981 йилнинг 1 январидан планлаштириш ва бошқарувнинг янги қоидалари асосида ишлашга ўтказилган эди. Бу капитал қурилишнинг ривожлантиришда катта қадам бўлди. Хўжалик ислоҳоти планлаштиришни яхшилаш, иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, лойиҳа-смета ишини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қатор масалаларни қамраб олди.

Бу ислоҳотнинг маъноси шундаки, қурилиш-монтаж ташкилотлари фаолиятини планлаштириш ва унга баҳо беришга пировард натижалар, яъни объектлар ва ишга туширилаётган комплексларни фойдаланишга топшириш асос қилиб олинган. Товар қурилиш маҳсулоти ҳажми қурилишда асосий кўрсаткич бўлиб қолди.

Область қурилиш ташкилотларини товар қурилиш маҳсулоти бўйича ҳисоб беришга ўтказишдан мақсад капитал маблағларнинг тақсимлаб юборилишини тўхтатиш, объектларнинг қурилиш муддатларини қисқартириш, узоқ вақтга мўлжалланган технологик потоки вужудга келтириш ва қурилиш ташкилотлари қувватидан тўлароқ фойдаланишдан иборат эди.

Шуни айтиш керакки, ўтган йилдаги иш натижалари қаноатланарли бўлди. Областимиз қурувчилари Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва химия заводи. Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Бекобод металлургия ва Ангрен керамика комбинатлари, Тошкент трактор заводи ва бошқа қатор корхоналарда муҳим объектларни бунёд этиб, ишга туширишни программаси бўйича ишларни сифатли амалга оширдилар. Уй-жойлар ва умумий таълим мактабларини фойдаланишга топшириш планлари анча ошириб адо этилди.

Кўпгина миқдорда чорвачилик комплекслари ва паррандачилик фабрикалари, бошқа қишлоқ хўжалик объектлари қурилди.

Бош ва бевосита шартномалар бўйича 614 миллион сўмлик товар қурилиш маҳсулоти фойдаланишга топширилди ёки у йиллик планданига нисбатан 101 процентни ташкил этди.

Қурилиш ташкилотларининг планлаштириш ва бошқаришнинг янги шароитларида ишлашининг ўтган йилги натижаларини таҳлил қилиш бу соҳада жуда катта иш амалга оширилганлигини кўрсатиб турибди. Лекин, областдаги барча трестлар ва бошқармалар қурилишда ҳисобот беришнинг янги шароитларида ишлашга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрганларида ва унга қатъий амал қилганларида эришилган натижалар янада салмоқли бўлар эди.

Шуни афсусланиб қайд қилиш керакки, айрим қурилиш ташкилотлари эскича ишлашда давом этмоқдалар. Янгича ишлаш, янги кўрсаткичларни қўлланишга бефарқ муносабатда бўлишяпти. Бундай муносабат қурилишга фақат салбий таъсир кўрсатади, холос.

Қаерда ишга тушириладиган объектлар қурилишига, уларни бир маромда фойдаланишга топширишга лозим даражада эътибор берилаётган бўлса, товар бўйича ҳамда бошқа кўрсаткичлар бўйича планлар муваффақиятли бажарилмоқда. Бироқ, бунинг моҳиятига тушуниб етмаслик, унга расмиятчилик билан муносабатда бўлиш ҳоллари ҳам содир бўлмоқда. Айрим трестларда бригада пудратини жорий қилишга ҳам шундай муносабатда бўлиш яхши натижа бермаганлигини эслатиб ўтиш керак. Бунинг оқибатида меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг шу прогрессив формасидан фақатгина ном қолди, холос.

Товар қурилиш маҳсулоти бўйича ҳисобот қилишни жорий этишдаги асосий нуқсонлар ва камчиликлар нималардан иборат? Уларни бартараф этиш учун қандай чоралар кўриш керак?

Биз бу масалани икки трест — Ўзбекистон ССР қурилиш министрлигининг «Узбекшахтострой» ва «Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш трестлари мисолида таҳлил қилиб кўрамиз.

Бу икки трестда иш структураси, қурилиш-монтаж ишларида ва ёрдамчи ишлаб чиқаришларда меҳнат қилаётган бинокорлар сони тахминан бир хил. «Узбекшахтострой» трестида йиллик товар қурилиш маҳсулоти ҳажми 25,6 миллион сўмлик, 4-трестда эса 24,9 миллион сўмлик қилиб белгиланган эди.

«Узбекшахтострой» трести 1981 йил плани ва социалистик мажбуриятларини барча асосий кўрсаткичлар бўйича бажарди. Трест коллективи 29 та ёки планда белгиланганига нисбатан 8 та кўп объектни ишга туширди. Бунинг ҳисобига товар қурилиши маҳсулоти ҳажми бўйича план 120 процент қилиб ado этилди.

Фойдаланишга топширилган объектларнинг сифат баҳоси 4—5 баллни ташкил этди. Меҳнат унумдорлиги планда назарда тутилган 2,2 процент ўрнига 3,1 процент ортди. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш ва объектларнинг қурилиш муддатларини қисқартириш ҳисобига 230 минг сўмлик фойда олинди.

«Главташкентстрой»нинг 4-қурилиш трести эса ўтган йили фақат уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини бажарди. Планда ишга туширилиши назарда тутилган 33 объектнинг 20 таси барпо этилди, ишнинг сифат баҳоси эса 3—4 баллни ташкил этди. Трестда товар қурилиш маҳсулоти ҳажми бўйича йиллик план бажарилди 56 процент, меҳнат унумдорлиги бўйича эса 79,5 процент қилиб ado этилди. Кўзда тутилган фойда олиш ўрнига зарар кўрилди.

Юқорида келтирилган рақамлардан шу нарса кўриниб турибдики, бир коллектив ишда яхши кўрсаткичларга эришган ҳолда иккинчиси белгиланган программани уддалай олмаган. Бу икки қурилиш коллективи ўртасида шундай катта тафовут қандай қилиб содир бўлди?

Биз уни аниқ мисоллар асосида тушунтириб беришга ҳаракат қиламиз.

«Узбекшахтострой» трестида хўжалик раҳбарлари, партия ва жамоат ташкилотларининг фикри-зикри мустаҳкам меҳнат коллективларини вужудга келтиришга қаратилган. Қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, бинокорларнинг унумли ишлашлари учун зарур шароитларни вужудга келтириш, уларга маиший, савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш ва маданий дам олишлари учун барча нарсани муҳайё этишга кўп куч-ғайрат сарфланмоқда.

Қурилиш майдонларида буфетлар ва ошхоналар тармоқлари ташкил этилган, маиший ҳоналар жиҳозланган. Трестнинг ўз ёрдамчи хўжалиги бор. Юз минг бош парранда боқиладиган фабрика ташкил этилган. Ана шу ёрдамчи хўжалик ҳисобига қурилишларда ишлаётган бинокорларни овқатлантириш ва таомлар билан таъминлаш анча яхшиланди. Трестнинг профилакторийси ва дам олиш зонаси бор.

Кадрларни ўқитиш, уларнинг касб маҳоратларини ошириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Ана шуларнинг ҳаммаси сўнгги йилларда трестда кадрлар қўнимсизлиги коэффициентининг бутун Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бўйича энг кам бўлишига олиб келди.

Қурилиш ишлаб чиқаришини пухта ташкил этиш туфайли иш вақтининг фойдасиз йўқотилиши жуда кам даражага тушиб қолган, амалда машиналар ва механизмларнинг бекор туришига деярли барҳам берилган.

«Главташкентстрой»нинг 4-трестида бунинг аксини кўрамиз. Трестда мустаҳкам коллектив вужудга келтириш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти. Бу иш билан асосан кадрлар бўлими ходимлари шуғулланмоқдалар, партия ва жамоат ташкилотлари эса амалда ундан четда қолганлар. Бунинг оқибатида трест сурункасига бир неча йилдан бери планни бажармайди, ҳар йили деярли ҳар уч ишчининг бири ишдан кетиб қолмоқда. Трестда иш вақтининг фойдасиз йўқотилиши «Узбекшахтострой»дагига қараганда беш баравар кўп бўлиб, меҳнат унумдорлиги эса деярли 1,5 баравар камдир.

Кўпинча қурилиш трестида ишчи кучи ва маблағларни кўп сонли қурилишларга тарқатиб юбориш ҳамон давом этмоқда. Масалан, ўтган йилги планда фақатгина ишга туширилиши лозим бўлган объектлар «Узбекшахтострой» трестидагига нисбатан 1,6 баравар кўп эди, 1982 йил планида эса деярли 3 баравар ортиқдир.

Бу трестда объектларни тўла қўлдан чиқариш билан боғлиқ бўлган жами иш ҳажмини бажара оладиган бинокорлик бригадаларини мустаҳкамлаш бўйича лозим даражада иш олиб борилмаётганлиги ҳам салбий бир қолдир. Бригадалардаги ишчилар сони ўрта ҳисобда бир йўли 18 кишини ташкил этмоқда. Бу «Узбекшахтострой» трестидагига нисбатан 5—6 киши камдир.

Қурилиш ишлаб чиқаришини бошқаришни такомиллаштиришнинг бу энг муҳим масалаларига эътиборни кучайтирар эканмиз, хўжалик ислоҳотининг янги шароитларида партия ташкилотининг роли ҳақида гапириб ўтмаслик мумкин эмас. Қаерда партия комитетлари хўжалик раҳбарларидан планлаштириш ва бошқаришнинг янги шароитларидаги барча қоидаларга қатъий амал қилишни талаб этаётган ва унинг устидан доим назорат олиб бораётган бўлса қурилиш барча иштирокчиларининг объектларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишга нисбатан масъулияти ошмоқда. бинокорлар олдида турган ҳамма муаммолар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Қурилиш ташкилотларининг ўтган йилги янги шароитлардаги ишлари натижасини таҳлил қилар эканмиз, ҳали ҳал қилинмаган муаммолар устида тўхталиб ўтишни ҳам лозим деб топдик.

Қурилиш ва планлаштиришнинг янги усулларини амалга ошириш юзасидан қурилиш конвейери барча иштирокчиларининг масъулияти шу вақтгача аниқ белгиланмаган. Масалан, янги система бир маромда қўлланилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатлари бинокорларга олдинги йилнинг биринчи июлигача топширилиши керак. Бунда ишга туширилиадиган комплекслар алоҳида белгиланиши лозим. Чунки, шуларсиз товар қурилиш маҳсулоти бўйича план асослари бўла олмайди ва объектларни ишга туширишни тезлаштиришни рағбатлантирувчи бу муҳим кўрсаткичнинг таъсир кучига путур етказилади. Лекин, шунга қарамай ҳамма вақт ва ҳамма жойда ҳам бунга амал қилинмаяпти.

Капитал қурилиш плани лойиҳаси буюртмачи ва пудратчи томонидан икки томонлама келишилган маълумотлар асосида тузилса яхши бўлар эди. Бироқ, бинокорлар аслида лойиҳа билан анча кеч шуғулланадилар. Шу ҳужжатлар бўйича фикрлар тайёрлаш, уларга ўзгартиришлар киритиш учун қўшимча вақт сарфлашга мажбур бўлмоқдалар. Бунинг оқибатида қурилишни ташкил этиш лойиҳаларини лозим даражада чуқур, пухта ишлаб чиқишнинг имкони бўлмаяпти.

Пудрат ташкилотлари қурилиш муддатлари бузилганида кредит учун ставкаларнинг ортиши оқибатида сезиларли моддий зарар кўрмоқдалар. Афтидан буюртмачининг айби билан объектни ишга тушириш муддатлари масалаларига эътиборни кучайтирар эканмиз, хўжалик ислоҳотининг янги шароитлари барча принципларига қатъий амал қилишдан иборатдир. КПСС XXVI съездининг капитал қурилишни янада ривожлантириш бўйича қарорларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир.

В. СУМИН,
Тошкент область партия комитети қурилиш бўлимининг инструктори.

ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ЮҚОРИ ҲОСИЛ ОЛМОҚДАМИЗ?

КПСС XXVI съездида белгилаб берилган озиқ овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун курашни кенг авж олдириб юборган совхозимиз меҳнаткашлари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини анча дуруст натижалар билан якунладилар. Деҳқонларимиз давлатга 11,5 минг тонна — планда белгиланганидан 2700 тонна кўп турли хил сабзавот маҳсулотлари етказиб бердилар. Картошкакорларимиз эришган ютуқлар айниқса, қувончли бўлди. Бу соҳадаги йиллик план эртаги ҳосил ҳисобигаёқ уч ҳисса ошириб бажарилди. Давлатга йил давомида 900 тоннадан ортиқ картошка сотилди.

Биз бундай муваффақиятларга қандай қилиб эришмоқдамиз?

Аввало, шуни айтиш керакки хўжалигимизнинг ерлари Тошкент шаҳри билан туташиб кетган. Бизда экин майдонларини кенгайтириш имконияти йўқ. **Шунинг учун ҳам биз маҳсулот етиштиришни кўпайтиришда суғориладиган ҳар қарич майдондан самарали фойдаланишга, ҳосилдорликни доимо ошириб боришга ҳаракат қиламиз. Ҳозирги кунда далачилик бригадаларимизда ердан икки марта ҳосил олиш тажрибаси кенг қўлланилмоқда.**

Албатта, мўлжалдаги ҳосилни олиш ўз-ўзидан бўлмайди.

Биз сабзавот экинларини эрта экиб, эрта ёғитиришга алоҳида эътибор берамиз. Бунинг учун кузданоқ пухта тайёргарлик кўрилади. Сифатли қилиб тайёрланган экин майдонларига февралнинг иккинчи ярмидаёқ қаторам кўчатлари, мартнинг бошларида картошка, иккинчи ярмида пленка остига бодринг ва апрелнинг ўнинчи числоларидан помидор кўчатларини экамиз. **Эртаги экиларни барвақт экилишнинг энг муҳим томони шундаки, ниҳоллар то қуилар ислб турли шира, оқ пашша ва бошқа зараркунандалар жонлангунча ривожланиб, бақувват бўлиб олади. Натижада касалликка чалинавермайди.**

Сўнгги йиларда пленка остига экилган сабзавот экинларидан олинаётган ҳосилдорликни ошириб бориш йўлида тинимсиз иланмоқдамиз. Агар бундан беш-олти йил бурун эртаги экинларнинг ҳар гектаридан олинган ҳосилдорлик 150—160 центнерни ташкил этган бўлса, **1981 йилда ўртача 220 центнерданга тўғри келди.**

Бунга алмашлаб экишни йўлга қўйиш, илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш, машина ва механизмлардан самарали фойдаланиш, агротехника тадбирларини ўз вақтида ва юксак сифатли ўтказилишни таъминлаш туфайли эришилмоқда. Айниқса, ерларнинг унумдорлигини оширишда маҳаллий ўғит ёки маҳаллий ўғит ва минерал ўғитни омухта қилиб фойдаланиш катта самара берялти. Ушбу тадбирлар асосан бодринг ва карамни парвариш қилишда қўл келмоқда.

Маълумки, бодринг нозик ўсимлик, илгарилари айни пишиб етилганида касалликка чалиниб, ҳосилининг асосий қисми нобуд бўлар эди. Эндиликда шира туша бошлаганда маҳаллий ва минерал ўғитнинг аралашмаси шарбат усулида оқизилаётганлиги туфайли экин касалликка кам чалинмоқда. Натижада гектаридан 150—160 центнердан бодринг йиғиштириб олиняпти.

Ҳўжалигимизда ҳар йили 70—75 **гектар ер навбати билан маҳаллий ўғитга тўйинтириб борилади. Бу иш билан шуғулланиш учун махсус механизатор ва механизмлар ажратилган. Улар йил—ўн икки ой ана шу юмуш билан банд.** Бундан ташқари, экилган экинга, унинг талабига қараб ҳам ерларни ўғитлаб борамиз. Бу тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши туфайли совхозимизнинг пешқадам бригадаларида гектаридан мунтазам 350—380 центнердан сабзавот етиштириляпти. Аъзам Азимов, Пўлат Эшонхонов, Эркин Исмоилов ва Дотай Элибоев сингари тажрибали деҳқонлар етакчилик қилаётган бригадаларни бунга мисол қилиб келтирса бўлади.

Мўл ҳосил етиштиришнинг яна бир энг муҳим омилларидан бири майдонларнинг тупроқ тузилишига қараб экин экилаётганлигидир. Бунда таваккалчиликка барҳам берилади. Ҳар бир бриганданинг ерлари бизга беш қўлдек маълум. Сабзавот экинлари экиш шунга қараб ихтисослаштирилган. Масалан, Дотай Элибоев бригадасида ўтган йили бодринг- дан, айниқса, мўл ҳосил етиштирилди. Шавкат Нуриддинов бошлиқ бригада деҳқонлари эса карамнинг ҳар гектаридан 300 центнердан хирмон кўтардилар.

1981 йилда Эркин Исмоилов бошчилик қилаётган бригада деҳқонлари картошкадан рекорд миқдорда— гектаридан 180 центнер ўрнига 250 центнердан ошириб ҳосил йиғиштириб олдилар. Бу совхозимиз тарихида энг юқори кўрсаткичдир.

Бошқа экинлар қатори картошка учун ҳам мўл ҳосилга замин ерни экишга тайёрлашдан бошланади. **Биз, юқорида айтганимдек, картошка экиладиган майдонларни аввалдан белгилаб қўямиз. Чунки картошка экилган ерларда тупроқ доимо майин юмшатилган, пўрсилдоқ бўлиб туриши керак. Бундай шароитда экин бемалол илдиз отиб, мўл ҳосил тўплайди, тез ниша ди, меваларн йирик бўлади.** Картошка экиладиган майдон икки марта маҳаллий ўғит билан озиқлантирилади. **Биринчи марта шудгорлашдан аввал гектарига 20 тоннадан маҳаллий ўғит ва 450—500 килограммдан фосфорли ўғитлар солинади. Иккинчи сафар эса картошка экилгандан кейин орадан бешолти кун ўтгач, ҳар гектар ерга 15—20 тоннадан яхши чирятилган гўғ сепилади.** Бу гўғ, биринчидан қатламимиз. **Чунки бу экинларнинг ўрнида ўстирилган картошка касалликка тез чалинади.**

Кейинги йилларда Қорасув зонасида помидордан мўл ҳосил олиш анча мушкуллашиб қолди. Эндигина гуркираб ўсиб ривожланаётган помидор ниҳоллари дастлабки ҳосилни бера бошлагач, «оқ пашша» тушиб, бирдан қурий бошлайди. Деҳқонлар бу касалликни «қорасон» деб юритишади. Биз уста сабзаводкорлар билан маслаҳатлашиб, турли тажрибалар ўтказдик ва шундай хулосага келдик: **ерни маҳаллий ўғитга обдон тўйинтириб, сўнг помидор экилса, ниҳол бақувват бўлиб ўсади, унчамунча касалликка бўй бермайди.**

Хўжалигимизда машина ва механизмлар зиммасига юкланаётган ишлар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Эндиликда сабзавот экинларига ишлов беришдан ташқари сабзи, лавлаги ҳосили ҳам комбайнлар, ёрдамида кавлаб, йиғиб-териб олиняпти. Картошка, карам, помидор экинларини экиш тўла механизациялашган.

Сабзавотчиликда сара кўчат тайёрлаш мўл ҳосил етиштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бизда кўчат етиштириш учун 2,5 гектар майдонга енгил типдаги теплицалар қурилган. Теплицаларга декабрь ойидаёқ карам, помидор ва бошқа сабзавот экинларининг уруғи сепилган, униб чиққан ниҳоллар шу кунларда рассад қилинмоқда. 25—28 февралдан бошлаб эса далаларга плёнка остига эртаги экинлар экила бошланади. Кўчатлар очиқ майдонларга экиб бўлингач, бу теплицаларда ҳам сабзавот ва резаворлар етиштирамиз.

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорлари ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежневнинг нуқтларидаги қоида ва хулосалар асосида янги вазифаларни белгиладик. СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига 60 зарбдор ҳафта шиори остида ўтаётган умумхалқ мусобақасига қўшилиб меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимиз шу кунларда кузги-қишки тадбирлар комплексини сифатли бажариш учун курашмоқдалар. Далалар бошига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш, ариқ-зовурларни тозалаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Бир сўз билан айтганда деҳқонларимиз мўл ҳосил учун курашни кундан-кунга қизитмоқдалар.

О. МАҲМУДЖОНОВ,
Калинин районидаги «Қорасув» совхозининг бош агрономи.

ИЛҒОР САБЗАВОТКОРЛАР МИНБАРИ

Янгийўл мебель фабрикаси коллективи ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилини яхши бошлади. Январь ойи ишлаб чиқариш топшириғи знёдаси билан адо этилди. Коллектив қўлидан чиқаётган уй жиҳозлари сифати ҳам ошиб бормоқда. Суратда: 3-цех бошлиғи Тошкенбой Қорабоев ва инженер Ҳасанбой Комиловлар тайёр юмшоқ мебель сифатини кўздан кечирмоқдалар.

В. Сироткин фотоси.

ҚИЯЛИКЛАРДА БОҒЛАР

Тошкент ўрмон хўжалиги республика ўрмон хўжалиги министрлигида кузги дарахт ўтқазиш топшириғини бошқалардан барвақт бажарди. Пойтахт областининг етти районидаги тоғ қияликларига сув ҳавзаларининг соҳиллари ва 160 минг туп кўчат ўтқазилди.

Ихтисослашти р и л г а н «Паркент» совхозининг буюртмасига биноан Чотқол ён бағирларида 60 гектарлик олмазор барпо этилди. Мирали Мирғалиев раҳбарлигидаги механизациялашган отряд бу ишни қисқа муддат ичида бажариб бўлди.

Ўрмон мелиораторлари Янгийўл районида Бўзсув соҳиллари бўйлаб 8 гектарлик ёнғоқзор барпо этдилар. Ёнғоқ илдизлари эски канал яқинида ер ўпирилишига йўл қўймайди.

(ЎзТАГ).

ҚИЙҒОС УНИБ ЧИҚДИ

ОҲАНГАРОН районидаги «Оҳангарон» совхози сабзавоткорлари 1982 йил мўл ҳосили учун тайёргарликни кучайтириб юборишдилар. Далаларга маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиб, ариқзовурлар тозаланмоқда.

Айниқса, парник хўжалигида иш қизғин. Ҳозиргача 40 килограмм карам уруғи сепиб қўйилди. Қийғос униб чиққан ниҳоллар эртаиндин расад қилинади. Помидор кўчатлари ўстириладиган майдонлар ҳам ҳозирлаб қўйилди.

Айни кунда бутун эътибор ишни сифатли бажаришга қаратилган. Айниқса Турсунали Кўчқоров, Зулхумор Эрбоева, Нишонбой Пўлдошев ўртоқлар жонбозлик кўрсатмоқдалар ва кунлик нормаларини 1,5 ҳисса адо этиб, шахсий мусобақада пешқадамлик қилишяпти.

Б. СОЛИҲОВ.

Чет эл Хабарлари

СЕРХИО РАМИРЕСНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ГАВАНА. (ТАСС). Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари Никарагуага қарши қилинган ҳар қандай агрессия чекланган можаро бўлибгина қолмай, балки у дарҳол бутун Марказий Америкага тарқалишини аниқ равшан англаши зарур. Никарагуа миллий тикланиш ҳукумати раҳбарлик кенгашининг аъзоси Сержио Рамирес Кубада чиқадиган «Бозиия» журналининг мухбири билан суҳбатда ана шу ҳақда гапирди.

Никарагуа халқи, деди у, АҚШ ўзининг ҳарбий марказларида сомосачи контрреволюцион гуруҳларни тайёрлаб, Никарагуага қарз беришдан бош тортаётганлиги, халқаро молия ташкилотларини ҳам шундай қилишга ундаётганлигидан ғоят ғазабланмоқда. Революциямизни, суверенитетимиз ва мустақиллигимизни, жаҳондаги барча давлатлар билан алоқа ўрнатиш, улардан ҳар қандай мадад олишимиз мумкинлигидан иборат ҳуқуқимизни ҳурмат қилиш принциплари асосидагина Никарагуа Қўшма Штатлар ва бошқа мамлакатлар билан муносабатлар ўрнатиши мумкин, деб таъкидлади С. Рамирес.

С. Рамирес Совет Иттифоқи, Куба ва бошқа социалистик мамлакатлар, Мексика ҳамда Ғарбий Европадаги бир қанча давлатлар Никарагуага бераётган ёрдамни юксак баҳолади.

АНГЛИЯ—МАЛАЙЗИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЁМОНЛАШДИ

КУАЛА-ЛУМПУР. (ТАСС). Маҳаллий кузатувчилар Британия ташки ишлар министри Каррингтоннинг Куала-Лумпурга қилган ва ҳали яқиндагина тугаган визитини Англия — Малайзия муносабатлари янада ёмонлашувини тўхтатиш йўлидаги беҳуда уриниш деб баҳоламоқдалар. Матбуотнинг далолат бериб ёзишича, бу муносабатлар кейинги вақтларда Малайзия мустақилликка эришгандан кейин энг паст даражага тушиб қолган.

Лондон бу мамлакатнинг иқтисодий мустақилликка эришиш ишидаги куч-ғайратларидан норози бўлмоқда. У Куала-Лумпурга қарши қаратилган бир қанча камситувчи чораларни кўрди. Бунга жавобан Малайзияда «Англия товарлари сотиб олинмасин» шиори остида умуммиллий кампания авж олиб кетди. Бунинг натижасида мамлакат экономикасида ҳукмрон мавқени эгаллаб турган Британия фирмалари ҳозирдаёқ 50—60 миллион фунт стерлинг миқдордаги буюртмалардан маҳрум бўлдилар.

Бу ердагилар яна шунга эътиборни жалб қилмоқдаларки, бош министр Махатхир Бин Муҳаммад БМТда Кампучиянинг ўрнини эгаллаб турган полпотчиларни қўллаб-қувватлашдан Малайзия воз кечиши мумкин, деб айтгандан кейин лорд Каррингтон визит билан келди. Реализмнинг бундай кўриниши расмий Лондонни ниҳоятда ташвишлантириб қўйди. Британия вакили ўз нутқларида Кампучияга қарши гуруҳларнинг вакилларидан иборат «муҳожирликдаги ҳукумат» йўлидаги ғовлар бартараф этилишига умид қиламан деб қайта-қайта таъкидлайверди.

ЛОНДОН. (ТАСС). Англия билан Малайзия ўртасидаги зиддиятлар савдо муносабатлари доиралари билан ҳатто асло чекланиб қолмайди, деб ёзади Лондонда чиқадиган «Файнэншл таймс» газетаси. Малайзия ўзининг миллий бойлигини акциялар нинг ажнабий эгалари ва хитойликлар жамоаси ҳисобидан малайз аҳолиси фойдасига қайта тақсимлашга ўринаётганлиги натижасида можаро келиб чиқди.

«Каррингтон Малайзияга бирор нарса таклиф этиши амри маҳол»,— деб таъкидлайди Англиянинг бошқа бир «Таймс» газетаси.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

✦ ҚУВАЙТ. Бахрайн пойтахти — Манама шаҳрида Форс кўрфазидаги араб мамлакатлари ҳамкорлиги кенгаши аъзоси бўлган давлатлар ташқи ишлар министрларининг шошилинч кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда Катар, Қувайт, Бахрайн, Бирлашган араб амирликлари, Саудия Арабистони ва Уммон вакиллари қатнашдилар.

Матбуот хабарларига қараганда, кенгаш қатнашчилари хавфсизликни таъминлаш соҳасида кенгаш аъзоси бўлган мамлакатларнинг ҳаракатини мувофиқлаштириш масалаларини кўриб чиқдилар.

✦ ОТТАВА. Канадада ишсизлар 1 миллион 96 минг кишига етди. Бу эса урушдан кейинги бутун давр мобайнида «ортиқча кишилар» армияси учун рекордли рақамдир, деб хабар берди Канада статистика бюроси. Декабрь ойидан январь ойигача бўлган вақт ичида ишсизлар 109 минг киши кўпайган.

✦ ДЕҲЛИ. Ҳиндистон ёзувчилар союзининг миллий конференцияси ўз ишини тамомлади. Конференция «Ҳинд халқи маданиятини янада равнақ топтириш учун» шиори остида ўтди. Делегатлар АҚШнинг пропаганда ҳизмати ёрдами билан Вашингтоннинг Ҳиндистонда «Америка маданий интервенцияси» деб аталган интервенцияни ташкил этиш йўлидаги ҳаракатларини кескин танқид қилдилар.

(ТАСС).

ХАТАРЛИ ҲОДИСАЛАР

БОННН. (ТАСС). Америка ҳарбий самолёти «йўқотиб қўйган» ажал юки — «осмон-осмон» турдаги жанговар «Сайдуиндер» ракетаси бир ҳафта қидирилгандан кейин топилди. Бу ракетани Баден-Вюртемберг ўлкасидаги Ширамберг деган жойда бир деҳқон тасодифан топиб олди. Америка ҳарбий ҳаво кучларининг қирувчи бомбардимончи самолёти машқ қилиб учган вақтда «йўқолган» ракета ҳайриятки портламади. Кучли зарядли бу ракета жуда катта зарар етказиши ва кишиларнинг ўлимига сабаб бўлиши мумкин эди. Америка армиясининг сапёрлари ракетани зарарсизлантиришга киришдилар.

АҚШда тайёрланган ажал юкларининг самолётлардан «тасодифан» тушиб қолиши биринчи марта бўлаётгани йўқ. Ўтган йил июнь ойида ҳам Қўйи Бавария районида бундесверининг «Фантом» самолёти худди шундай «Сайдуиндер» ракетасини йўқотган эди.

Бундай воқеалар ядро қуроли билан тез-тез содир бўлаётганлиги ГФР ва НАТОнинг бошқа мамлакатлари жамоатчилигини ғоят ташвишга солмоқда. Газеталарнинг хабар беришича, кейинги 30 йил мобайнида жаҳоннинг турли районларида Америка ядро қуролига доир 200 га яқин шундай ҳодиса юз берганлиги рўйхатга олинган.

Бу ва бошқа шунга ўхшаш кўпгина воқеалар Америка ҳарбий кучларининг, айниқса ядро қуроли жойлаштирилган базаларнинг тинч аҳоли учун ғоят ҳавфли эканлигидан далолат бермоқда. Ҳар бир янги ҳодиса ўнлаб, ҳаттоки юз минглаб кишиларнинг ҳаётини хавф остида қолдиради.



▲ АФҒОНИСТОН. Совет Иттифоқи техникавий ёрда мида қурилган Жангалак авторемонт заводи республиканинг илғор корхоналаридан биридир. Бундан йигирма йил бурун ишга туширилган корхонада ҳамма турда ги автомашиналар капитал ремонт қилинади. Эҳтиёт қисмлар тайёрланади. Су ратда: завод территориясида.

БТА — ТАСС фотоси.

ТРАКТОРСОЗЛАР УЧУН КУТУБХОНА

Тошкент трактор заводининг илмий-техника кутубхонаси информация кунини ўтказди. Мутахассислар, техника адабиёти экспертлари, жамоатчи кутубхоначилар, бошқа китоб пропагандистлари ўқув залига тўпланишди. Бу ерда янги китоблар виставкаси ташкил этилган. Стендларга икки юзтага яқин китоб, брошюра ва журналлар жойлаштирилган. Ишлаб чиқаришни автоматлаштириш юзасидан турли институтларнинг материаллари, янги манипулятор ва роботларнинг каталогдари, информация бюллетенлари алоҳида қизиқиш уйготди. Булар турдош корхоналарда эришилаётган ютуқлар тўғрисида ҳикоя қилади. Кутубхона мамлакатнинг ўттизта институтидан мунтазам равишда ана шундай ахборотларни олиб туради.

Ҳозирги вақтда заводда активистлардан қариб бир юз йиллик ишлаб чиқариш-техника адабиётини пропаганда қилмоқда. Уларнинг ёрдами билан цехларда кутубхонанинг эллик иккита филиали ташкил этилган. Кутубхона ходимларидан ҳар беш кишидан тўртгаси бу кутубхоналарга аъзодир.

(ЎзТАГ).

«ШУМ БОЛА» УРДУ ТИЛИДА

«Прогресс» нашриётининг Тошкент бўлими ўзбек совет ёзувчиси, Ленин мукофоти лауреати Ғафур Ғуломнинг машҳур «Шум бола» повестини урду тилида нашр этди.

Бу повесть муайян маънода автобиографик характерга эгадир. Унда ажойиб сўз санъаткори ўзининг болалик даврига оид қизиқарли саргузаштларни қувноқ ва қитмир Шум бола образи орқали ҳикоя қилади.

Илгари «Шум бола» повести форс тилида чоп этилган эди.

Ш. МИРЗАЕВ.

ҚИШЛОҚ СОВЕТЛАРИ ҲАЁТИДАН

ЯНГИЛИК ТАРҒИБОТЧИЛАРИ

Тошкент район Киров қишлоқ Советида янгича анъана ва урф-одатлар аҳли турмушига чуқур сингиб бормоқда. Бунда Н. Ориповнинг бошчилик қилаётган доимий комиссия аъзоларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Комиссия составига турли соҳа илғорлари жалб қилинган. Врач М. Комилова, «Тошкент» совхози партия комитетининг секретари М. Усмонов, «Ленинград» совхози хотин-қизлар Советининг раиси М. Каримова, қишлоқ Совети ходимлари Х. Эшонов, Р. Аҳатовлар шулар жумласидандир. Уларнинг таклифларига кўра янгича анъана ва урф-одатларни кенг ёйиш масаласи бир неча марта қишлоқ Совети депутатлари ва активларининг кенгаришида муҳокама этилди.

— Улуғ Батан уруши қатнашчилари, меҳнат ветеранлари ва ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказиш, ёшларни Совет Армияси сафига кузатиш ва кутиб олиш, туғилиш гувоҳномалари топшириш яхши анъанага айланиб бораяпти, — дейди доимий комиссия аъзоларидан Б. Ғуломов. — Булар ёшларимизнинг дунёқарашини шакллантириш, ватанпарвар интернационалистлар қилиб тарбиялашда муҳим роль ўйнамоқда.

Доимий комиссия аъзолари тўй маросимларини ортиқча дабдабасиз, ихчам ва серфайз қилиб ўтказиш соҳасида ҳам ибратли тадбирларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, ЗАГС ва никоҳ кечаларини бир кунда ўтказиш, тўй дастурхонини безашда ортиқча исроф гарчиликка йўл қўймаслик, ичкиликбозликка қарши кураш, бадиий ҳаваскорлик тўгараги аъзоларини таклиф қилиш яхши самаралар бермоқда. Илгор анъана ва урф-одатларни тарғиб этиш янгилик таргиботчиларининг 1982 йилга мўлжалланган тадбирлар планида ўз аксини топган.

Т. ДУСОВОВ.

БИРДАМЛИК РАМЗИ

Бир йил муқаддам Калинин районининг Назарбек қишлоғида ер қаттиқ силкиниб, катта моддий зарар етказган эди. Мактаб, касалхона, маданий-маиший объектлар зararланиб, айрим оилалар бошпанасиз қолган эдилар.

Зилзила оқибатлари тез бартараф этилда бошланди. Тошкент области ва шаҳрининг барча районларидан кўмакка отланган қурувчилар Назарбекни бир йўла кўркам шаҳарчага айлантиришда жонбозлик кўрсатдилар.

Қисқа вақт ичида барча уй-жойлар капитал ремонтдан чиқарилди. Озиқ-овқат ва саноат моллари магазини қуриб битказилди. Ҳадемай, хўжалик моллари магазини ҳам фойдаланишга топширилади. Айни пайтда эса иккита 140 ўринли болалар боғча-яслиси, алоқа бўлими қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Яқинда «Хасково» совхозининг 3-бўлимидаги 16 та хонадонда ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. Тантанали равишда калитлари топширилган бу турар-жойларнинг алоҳида ер участкаси, молхоналари бор. Совхознинг марказида ҳам 15 та турар-жой биноси қад кўтармоқда.

Қишлоқ Совети сессиялари ва активларимизнинг йиғилишларида қурилиш ишларини комплекс олиб бориш, мавжуд резервлардан янада тўлароқ фойдаланиш масалалари тез-тез муҳокама қилинмоқда. Т. Орзиев, С. Эшонқулов, Ҳ. Юсупова ва О. Ҳошимов каби депутатларимиз кўпгина фойдали таклиф ва мулоҳазаларни ўртага ташлашди. Ана шу таклифлар асосида табиий офатдан зарар-кўрган қишлоқ хонадонларига тегишли ёрдам кўрсатилиб, зарбдор объектлар қурилиши тезлаштирилди.

Яқин вақтлар ичида қишлоғимиз батамом ўзгариб, кўркам шаҳарча тусини олади.

Р. ЖАББОРОВА,
Назарбек қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси.

САЛОМАТЛИК—ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЭТИБОРИДА

Ҳасанбой қишлоқ Совети депутатлари аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилашга алоҳида аҳамият бермоқдалар. Бунда айниқса Ҳосил Иноғомов бошчилик қилаётган соғлиқни сақлаш доимий комиссияси аъзоларининг ҳиссаси катта бўлмоқда.

Қишлоқ Совети территориясида аҳолига 150 нафар медицина ходими хизмат кўрсатади. Тўртта медицина пункти, иккита участка касалхонаси, 450 ўринли болалар шифохонаси эл ихтиёрида. Айни вақтда бу даволаш муассасаларининг раҳбарлари тез-тез доимий комиссиялар ҳузурида ҳисоб бериб турадилар. Қишлоқ Советининг сессияларида халқ саломатлигини муҳофаза этиш масаласи бир неча марта қараб чиқилди.

Соғлиқни сақлаш доимий комиссиясининг аъзолари кўмаги билан кўпгина муаммолар бартараф этиляпти. Уларнинг ташаббуси билан кейинги йилларда Ильич номли колхозда уч хонали медицина пункти ҳамда кўп қаватли янги касалхона қад кўтарди. Яқин кунларда улар аҳолига хизмат кўрсата бошлайди.

— Ҳозиргача қишлоқ Советининг сессиясига бир неча муҳим масалаларни тайёрлаб муҳокамага қўйдик, — дейди комиссия раиси Ҳ. Иноғомов. — Қабул қилинган тегишли қарорлар ижросини қатъий назорат қилиб борамиз. Мавсум пайтларида бевосита дала бошида, трактор ва машина паркларида, фермаларда шифокорлар намунали хизмат кўрсатадилар.

Доимий комиссия аъзолари профилактик тадбирларни амалга оширишда фаол иштирок этмоқдалар. Медицина ходимлари турли корхона, ташкилот ва муассасаларда тез-тез медицинага оид лекция ва суҳбатлар билан чиқмоқдалар.

Т. ЖУРАЕВ,
Тошкент районн.

Тошкентнинг 2000 йиллиги олдидан

КЎҲНА ШАҲАР ҚАЛҚОНЛАРИ

НАВҚИРОН ва гўзал шаҳримизнинг ўтмиши ўзининг узоқ ва қизиқарли тарихига эга. Қуйида Тошкент дарвозалари ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Маълумки, 704 йили Араб халифалиги томонидан Кутайба ибн Муслим Хуросон амири қилиб тайинлангач, унга Ўрта Осиёда ҳукмронлик ўрнатиш топширилди. Бундан руҳланиб бир қатор шаҳарларни босиб олган Кутайба 713—715 йилларда Шош (Тошкент)ни эгаллади ва шаҳардаги кўрғонларни, ноёб обидаларни ва бир қанча иншоотларни вайрон қилди, аҳолини шафқатсизлик билан қириб ташлади. Бу пайтларда шаҳар Салор бўйида жойлашган эди.

Кейинчалик унинг соҳили чўл кўчманчиларининг тиниммсиз талаши натижасида, нотинч бўла бошлагач, аҳоли аста-секин географик жиҳатдан ҳар томонлама қулай бўлган Бўзсув (Анҳор) қирғоғига кўчиб келди. Аста-секин бу маскан гавжумлашиб борди. Янги жойда деҳқончилик, чорвачилик, савдо-сотиқ ва ҳунармандчилик бир мунча ривожланди. Шаҳарчани ободонлаштириш ва мустаҳкамлаш юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. XIX аср тарихчиси Муҳаммад Солиҳ Қори Тошкандий ўзининг «Тариху жадиди Тошкент» номли асарида ва бошқа бир қатор тарихчилар ўз асарларида қайд этишларича, IX асрнинг бошларида бозор майдончасида кўрғон қурилган. Унинг атрофи гир айлантирилиб бир қатор девор билан ўралган. Шундай қилиб, бу ерда — ҳозирги Чорсу (Йўлдош Охунбобоев номли майдон) ва Ҳадра майдони ўрнида асосий марказ вужудга келди. Бир қанча вақт ўтгач, шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган қисми ҳам иккинчи девор билан ўралди. Кейинчалик эса одамлар тинчлигини чўл кўчманчиларидан ҳимоя қилиш мақсадида шаҳарда учинчи, ниҳоятда улкан ва баҳайбат сиртқи мудофаа девори қад кўтаради. Карвон йўллар тартибга келтирилиб, узоқ шаҳарлардан, мамлакатлардан, воҳалардан ва даштлардан Тошкент бозорига моллар олиб келинадиган йўллар туташадиган жойларда махсус дарвозалар ўрнатилди. Тарихий манбаларга кўра ҳар бир қатор деворнинг ўз дарвозалари бўлган. Масалан: XVIII асрда саккизта, XIX асрда эса ўн иккита ташқи девор дарвозаси бўлган. XVIII аср охирларида Тошкентни саккизта катта йўл кесиб ўтган, бу йўллар аслида шаҳардан бир томонга кетадиган магистраллар эди. Бу асосан, карвон йўллари бўлиб, Қозоғистон ва Ўрта Осиёё хонликларининг асосий мавзелари билан боғланган. Бундан ташқари, ўша вақтларда Шош (Тошкент) Осиё ва Европа мамлакатларини ўзаро бир-бири билан боғловчи савдо чорраҳасида жойлашган эди. Бу йўлдан узоқ йиллар давомида хитой, ҳинд, мўғул, эрон ва афғон савдогарлари ўз молларини олиб ўтишган.

Шаҳар дарвозалари ҳақида бир қатор тарихчи олимларимиз ва ёзувчиларимиз асарларида ўз фикрларини ёзиб қолдиришган. Шу жумладан, машҳур ўзбек-совет ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг тарихий «Ўтган кунлар» романида «...олти газ юксакликда, беш газ кенгликда, икки ёки саккиз газли кўрғон девори билан ўралган кун ботарга қаратиб қурилган Самарқанд дарвозаси...» борлиги ҳақида батафсил ёзиб қолдирган.

Дарҳақиқат, ўтган асрларда бу шаҳарнинг 12 дарвозаси бўлган, булар Самарқанд, Кўкча, Чиғатой, Сағбон, Қорасарой, Тахтапул, Лабзак, Қашқар, Бешёғоч, Қўқон, Тешикқопқоқ, Камолон ва бошқа дарвозалардир. Афсуски, улар шу кунларда сақланиб қолмаган. Лекин дарвозаларнинг қаерда бўлганлиги тўғрисида бир қатор архив материаллари бизга маълумот бера олади.

А. ЯҲЁЕВ,
Ўзбекистон Маданий ёдгорликларни таъмирлаш илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институтининг архитектори.

ЁШЛАР ИЖОДИДАН

ДЎСТИ ҚАДРДОН БИЛАН

Шод ўтар умрнинг мудомки дўсти қадрдон билан,
Кўнгил хижил бўлур гоҳи учрасанг нодон билан!
Дилга озор келтиргуси ўйламай айтган сўзи,
Сиқса гар қалб шиддаси бўлмас ямаб дармон билан!
Эпнинг олқишини ол, инсонлигингни билдириб,
Дилни ранжитганнинг тили мос келур тикон билан!
Чекмайин озор десанг, меҳнатдан ўзни олма чет,
Аҳли меҳнат бирла бўл, яшнагил замон билан!
Қалбдан ашъор битар Шероз, эйбга олмангиз, дўстлар,
Элга бахш этгай ғазални ҳам дилу, ҳам жон билан!

СЕН САРВАРИМ

Гулбаҳоримсан меннинг, бахтли замонам дилбари!
Юзи гул қизлар ичида сен гўзаллар сарвари!
Бас менга, сен бирла умрим кечса шод, хуррам бўлиб,
Узгамас, сен етказурсан, умри зийнатим бари.
Юз қуёшнинг тафти қиздирмас меннинг қалбимни ҳеч,
Йўқ ажаб, куйдирса бир бор боққанингда мен сари.
Бахтиёрман сен ёнимда ҳар қанон бўлсанг, ингор,
Бўлгуси қаддимки гоз, кетмайсан кўзимдан нари!
Кеп меҳр кошонасин, эеб безайлик ишқ билан,
Садоқат кўрки бўлсин Шероз эккан гуллари!

Шерқўзи ҒОЗИЕВ.

Реклама ва эълонлар

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

14 ФЕВРАЛЬ СОАТ 19.00 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўриги — конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Ўзбек ашула ва рақс «ШОДЛИК» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Дилбар ФАЁЗОВА

СОЛИСТЛАР:

Фахриддин УМАРОВ

Ҳожиакбар Ҳамидов, Бахтиёр Холхўжаев, Ҳотам Ҳожиев, Дилором Қаюмова, Анвар Рустамов, Наржиддин Шерматов, Райҳон Абдуллаева ва бошқалар.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Қодир МУМИНОВ.

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

ТОШКЕНТДАГИ 179-мактабда бир неча йиллардан бери илмий-атеизм тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Тўгарак иштирокчилари ўқитувчи Дилбар Қосимова раҳбарлигида турли суҳбатлар, конференциялар ўтказиб боришаяпти. Суратда: ёш атеистлар машғулот пайтида.

Р. Альбеков фотоси.

«ДУГОНАЛАРИМГА УЧ САВОЛ» ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг 21 январь сонида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти, педагогика фанлари кандидати ўртоқ Н. Валиеванинг оила, бахт хусусидаги мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада кўтарилган мавзу газетхонларнинг қизғин муҳокамасига сабабчи бўлди, редакцияга ана шу мақола хусусида хат-хабарлар келмоқда. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

БАХТ — ДАВЛАТДА ЭМАС

«Дугоналаримга уч савол» сарлавҳали мақолани ўқидим. Албатта, бахт-бадавлат бўлишда эмас. Бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади, уни мол-дунё билан боғлаганлар қаттиқ янглишиб, умр бўйи виждон азобида яшайдилар. Ҳаётда бойликдан муҳим, пулга сотилмайдиган бебаҳо нарсалар — инсоннинг қадр-қиммати, ғурур ҳам борку! Мен мол-дунёга кетидан қувиб, ўзларини ўтга, сувга ташловчи шахсларнинг маънавий қашшоқлигидан афсусланаман.

Киши мол-дунёга қул бўлиб яшамаслиги керак. Қизларимизнинг эса давлати ва касбидан қатъий назар, чин инсон билан ўзаро севги, қатъий ишонч ва улуғ ният асосида тақдир ишини боғлашларини истайман.

Бизнингча ҳам қиз узатишда гарнитур қилиш шарт эмас. Аёлларимиз ақлли, режали. Лекин айрим вақтларда тушуниб туриб, баъзи бировларга тақлид қилишади, қийналиб бўлса ҳам тузукроқ сеп қилишга уринишади. «Ғап бўлишдан» қўрқишади. Агар ҳаёт денгиз бўлса, буидай икир-чикир гап-сўзлар унинг юзидаги ҳас-чўплардир. Бас, шундай экан, ақл билан маслаҳатлашиб, режали иш кўрсак қиз узатишлар ҳам кўнгилдагидек бўлади.

С. САИДАҲМЕДОВА,
педагог, Оққўрғон шаҳри.

НОУМИД БЎЛМАНГ

Киши ўз тенги билан яшагани, оила қургани афзал. Баъзи ота-оналар бахт тушунчасининг мутлақо фарқига бормайдилар. Васила, сиз онангиз кўнглига қараб ўз бахтингизни бой бергансиз. Ахир, қайнонангиз етимлигингизни билатуриб, келин қилган-ку! Шундай экан, тўйдан кейин «ўтирса — ўпоқ, турса — сўпоқ» қилишга ҳақлари йўқ эди. Майли, сабр қилинг, гулдай фарзандингиз бор экан. Турмуш ўртоғингиз билан яхши бўлсангиз, ҳаёт ўз изига тушиб кетади. Вақти келиб ота-оналар ўз хаталарини тушуниб етишига умид боғлайсиз.

Мол-дунё кишига бахт келтирмайди. Бу йўлда Гулнора адашган. Унинг ота-онаси «кўрпага қараб оёқ узатишлари» керак эди. Тўғри, агар ўртада фарзанд бўлганда оила бузилмасди, фарзанд ота-онани боғловчи занжир.

Лекин ҳар бир йигитнинг ўз мустақил фикри, ўз тушунчаси бўлиши керак, ўзгаларнинг янглиш фикри билан иш тутса, ўзи ҳам адашади, ахир бировнинг турмушига. бошқалар «рецепт» ёзиб беролмайдику!

Гулнора, ноумид бўлманг, балким ярашиб кетарсизлар. Фарзандларни асраб олиб бахтли бўлган оилалар камми? Шуни ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди. Турмушни тузишдан бузиш осон. Биринчи муҳаббат, биринчи муҳаббатда!

Учинчи саволга мен «йўқ» деб жавоб бераман. Гарнитур қилиш шарт эмас. Буни одат тусига киритиш, «қилиш шарт» дейишга қаршимиз. «Ғап-сўз» деб фарзанд бахтини қимматбаҳо нарса билан белгилаш камоли нодонлик эмасми? Бош омон бўлса, инки ёш биргаликда меҳнат қилиб бахтли яшаса, кам-кўстнинг ўрни тўлиб кетади.

О. МУБОРАКОВА,
Бўка райони.

ИШҚ БОШҚА, ҲАВАС БОШҚА...

«Дугоналаримга уч савол» мақоласини ўқиб ниҳоятда таъсирландим. Унда кўпчиликни қизиқтирган ҳаётий масала кўтарилган. Бахт бойликда эмас, ҳақиқий ўзаро ҳурмат, ишонч ва муросаю-мадорада, меҳр-оқибат ва муҳаббатда. Ҳар бир оила ана шу асосда мустаҳкам ва барқарор бўлиши мумкин.

Биринчи навбатда ёшларимиз чинакам севги билан ўткинчи ҳавасни фарқ қила билишлари керак. Васила ўшанда ўз эътиқоди, ўз бахти учун курашганда бахтли ҳаёт кечирган бўлармиди.

Иккинчи масалада бизнинг — катталарнинг ҳам айбимиз бор. Масалан, эскилик қарқиғи, бахтимиз тўғоноғи бўлган қалин масаласида кўп гапирамиз, куламиз, хонаси келганда танқид қиламиз. Лекин ўзимиз тўй қиладиган бўлсак, ҳамма нарсани унутиб «келин сепи» деб магазинма-магазин югурамиз. Устига-устак оила танлашда «пешонага ёзилгани шу экан, тақдир экан, нима ҳам қилардик» деймиз. Бу — ҳато фикр. Чунки инсон ўз тақдирини ўзи яратади. Гулнора, ҳам бахтини бойликдан эмас, балки Хури опага ўхшаб меҳнатдан қидирганда эди, орзу-умидига етишган бўларди. Биз буни таъна эмас, ачиниш маъносида айтяпмиз. Моддий дунё топиладиган нарса, қадр-қиммат топилмайди. Мен муаллифнинг оқилона фиккига тўла қўшиламан.

Баъзи ота-оналар қизимиз бой-бадавлат хонадонга келин бўлса ҳеч нарсага зориқмай ҳаёт кечиради, деб ўйлашади. «Импортный» гарнитурлар, қўшақўша гиламлар, сервизлар, бриллиант-у, тақинчоқлар инсондан ортиқми? Келин масаласига келганда тўй муносабати билан қарздор оилага аъзо бўлгандан кейин унда ҳам ҳаловат бўлмайди, оилада эса барака.

О. ДУЙСЕНОВА,
Калинин райони.

ИШЧИ МУХБИРЛАР ЎҚИМОҚДА

КОРРЕСПОНДЕНЦИЯ — ҳаётнинг бир бўлаги. Унда қишлоқ меҳнаткашлари, саноат ва қурилиш ҳамда бошқа соҳа кишиларининг фидокорона меҳнати, ҳаёти, қувонч ва ташвишлари акс этади.

«Тошкент ҳақиқати» редакцияси ҳузуридаги ишчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулоти шу мавзуга бағишланди. «Тошкент оқшоми» газетаси бўлим мудири А. Эгамназаров саноат, «Тошкент ҳақиқати» газетасининг мухбири Э. Эрназаров қишлоқ хўжалиги мавзуларидаги корреспонденциялар учун жойларда факт ва рақамлар олиш ҳамда уни ёзиш тўғрисида суҳбат ўтказдилар.

НАСРИМИЗ ИСТИҚБОЛИНИ ЎЙЛАБ

Ҳамид Олимжон номидаги Адабиётчилар уйида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи проза кенгашининг 1981 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ҳамза мукофоти лауреати Одил Ёқубов қисқача кириш сўзи билан очди.

Шундан сўнг тўпланганлар филология фанлари кандидати Абдуғафур Расулов ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Ўткир Ҳошимовнинг ўтган йил роман, қисса, ҳикоя ва публицистика жанрларида яратилган асарлар таҳлилига бағишланган сермазмун докладларини тингладилар.

Сўнгра қизғин муҳокама бошланди. Бирин-кетин минбарга кўтарилган нотиқлар — Ўзбекистон ССР халқ ёзувчилари Мирмуҳсин ва Ҳамид Ғулом, филология фанлари докторлари Н. Худойберганов, У. Норматов, О. Тоғаев, А. Қўлжонов, С. Мирвалиев, филология фанлари кандидати О. Шарафиддинов, ёш ёзувчи М. Муҳаммад Дўст ва бошқалар 1981 йилда эълон қилинган прозаик асарларнинг ғоявий-бадиий мазмуни, ижодкор позицияси ва маҳорат масалалари борасидаги фикр ва мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

● ВОЛЕЙБОЛ. Тошкентнинг «Динамо» командаси Ворошиловград шаҳрида ўтказилаётган олий лига командалари ўртасида мамлакат чемпионатининг иккинчи турида кетма-кет иккі ғалабага эришди. Вакилларимиз Киевнинг «Локомотив» командаси 3:0, «Уралэнергомаш» коллективини 3:1 ҳисобида мағлуб этдилар.

● КЛАССИК КУРАШ. Запорожье шаҳрида ниҳоясига етган мамлакат чемпионатида тошкентлик В. Аникин кўксига кумуш медаль тақди.

● ФУТБОЛ. Пахтакорчилар Душанбе шаҳрида ўтказилган мавсумолди турнирида иккинчи ўринни эгаллашди. Улар ҳал қилувчи баҳсда «Помир» командасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйдилар.

● МОТОКРОСС. Область ДОСААФ комитети ўюштирган мусобақа Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Умумкоманда ҳисобида Ҳамза район спорт техника клуби биринчи, Киров район спорт техника клуби иккинчи, Чирчиқ шаҳар спорт техника клуби учинчи бўлдилар. Шахсий ҳисобда эса турли классдаги мотоциклларда С. Харченко, (Олмалиқ), С. Борикин, Э. Маминова, С. Чудинов, Е. Бочкарев, В. Степанович (барчаси Тошкент шаҳридан), В. Рошин (Олмалиқ), Г. Зубайдов, С. Майоров (Чирчиқ) ғолиб чиқишди.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

МИННАТДОРМАН

Ҳурматли редакция!

Кўп йиллардан бери ошқозон-ичак касаллигидан азоб чекиб келардим. 1979—80 йилларда дардим зўрайиб, жуда оғир аҳволга тушиб қолдим. Ҳатто ҳаётимда ёруғ кунлар қолмагандек эди. Охири ўзимни ТошГРЭСдаги область касалхонасида кўрдим. Шифокорлар ҳаётим учун тинимсиз курашишди. Дори-дармонлар, ширин муомалалар менга қайта саломатлик ва рух бахш этди. Ҳозир яна оилам бағридаман. Сиҳатим яхши. Бундай бахтиёр кунларда касалхона шифокорлари Анатолий Федорович Демидовский, Абдулла Тиллаев, Эркин Розиқов, Риселат Усмонова, Дилором Қодирхўжаева, Адиба Бегматова, Аҳмад Ҳалилов ва бошқа нажоткорларга миннатдорчилигимни изҳор қилмоқчиман.

Тадбиркор, қўли енгил шифокорларнинг ишларига катта ютуқлар тилайман.

Наби САЙДУЛЛАЕВ,
Бўка районидаги «Ленинизм» колхози сувчиси.

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

«НОРАСИДА»

Болаларни ажойиб асарлари билан ҳушнуд этиб келаётган И. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри коллективи яна бир саҳна асарини ўз мухлислари ҳукмига ҳавола қилди. Рус драматурги ва ёзувчиси Д. И. Фонвизининг «Норасида» пьесаси (Қ. Мирмуҳамедов таржимаси) асосида саҳналаштирилган бу спектакль СССР ташкил этилганининг 60 йиллиги арафасидаги театр коллективининг янги саҳна асаридир.

Асар чор Россияси давридаги баъзи хонадонларда бўлиб ўтадиган кундалик воқеаларни ўз ичига олади. Қишлоқдаги анчагина бадавлат, ўзига тўқ, лекин пул топиш йўлида ҳар қандай уят-андишани ҳам йиғиштириб қўйган Скотинлар оиласи бир тийиндан ҳам тежаб-тергаб фойдаланади. Ўйга ёлғиз Простакова хоним (актриса О. Ибодуллина) хўжайин. Унинг бадқовоқ эри эса хотини нима деса шунга бош эгади, баъзан анграйиб жиннисифатга ўхшаб бир нуқтага тикилиб қолади. Уларнинг ўғиллари — Митрофан (М. Миркамолов) эса эркатой ва ижиқ. 16 ёшга кирган бўлса ҳам, ақли унчалик жойида эмас. Митрофан тўрт йилдан буён ўқитувчисидан сабоқ олиб, бирор нарсани ҳам ўргана олмаган.

«Митрофанушка, ўғилчам, тура қол, дарсингни тайёрлагин!», деб онаси ўғлига илтижоли овозда шундай деганида, ўспирин қошларини чимириб: «Йўқ, мен ўқишни хоҳламайман, уйланишни хоҳлайман» деб дангал айтади. Унинг бу фавқулодда гапида онасининг таъсири катта эди.

Онаси бир неча йил аввал ота-онадан етим қолган узоқ қариндошининг қизи Софияни асраб олган ва қизни жуда кўп ҳўрларди.

Кунлардан бир кун эса қиз тоғасидан келган хатни Простакова хонимга кўрсатади. Лекин хоним унинг гапини эшитишни ҳам хоҳламайди. «Тоғанг аллақачонлар ўлиб кетган, бу хатуйдирма» деб қизни қон қақшатади. Лекин хатни биргалликда ўқишгач, ундаги «10000 сўм пулни жияним Софияга мерос қолдираман» деган сатрлари мойдек ёқиб кетади ва шу вақтгача Софияни ўз укасига никоҳлаб олиб бермоқчи бўлган хонимнинг фикри тезда ўзгаради. Қизни 16 ёшли ўғилчаси Митрофанга уйлантириш пайига тушади. Бироқ қизнинг иродаси ва шу орада Москвадан қайтган тоғаси (Ўзбекистон ССР халқ артисти О. Толипов)нинг қаттиққўллиги натижасида Скотинлар оиласи ўзларининг ахмоқона ниятларига етолмайдилар. София ақлли, тадбиркор офицер Милан билан бирга қолади.

Ўғлини енгил-елпи яшашга ўргатиш натижасида бахтли қиламан деб шундай ачинарли ҳолга тушиб қолган Простакова хоним спектаклнинг охирида ундан ҳам «ажраб» қолади ва узоқ кўз ёши тўкади.

— Ҳа, — дейди спектакль қаҳрамонларидан бири Стародум, афсус-надомат билан, — ахлоқсизликнинг бадкор самараси шундан иборат...

Мол-мулк кетидан қувиш натижасида эришган «ютуқ»лари уларни оқибатда енгил-елпи ҳаёт кечириш фикридан қайтаришга мажбур қилади.

— Театримиз коллективи, — дейди режиссёр О. Шарипов, — юбилей йилида бир қанча тарихий, шунингдек, замонавий мавзулардаги саҳна асарларини саҳналаштиришни мўлжаллаган. Доҳиймиз В. И. Ленининг 112 йиллигига бағишланган В. Шатровнинг «Революция номи билан», Нестайконинг «Витька Магелан», Ч. Айтматовнинг «Оқ кема», Г. Гуломнинг «Шум бола» асарлари шулар жумласидандир. Бу саҳна асарлари шу йил Қирғизистонда ўтадиган гастролимиз программасига ҳам киритилади. Театримиз санъаткорлари ўз оталигига олган Чиноз район Охунбобоев номли колхоз меҳнаткашларига ҳам тез-тез томошалар кўрсатиб туришибди...

Шу кунларда ёш томошабинларга тортиқ этилган «Норасида» спектакли ҳам кўпчиликка манзур бўлади деб умид қиламиз.

Д. КОДИРОВА,
ТошДУ студенти.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

Телевидение

Москва-I. 9.00 — Время. 9.40 — П. Чайковский. 1-квартет. 10.10 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 1-ва 2-серийлар. 12.20 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Горнчилар, қасрдесиз! 16.40 — Д. Фурманов. Чапаев. 18.25 — Мультфильмлар. 18.45 — Врач суҳбатлари. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 19.50— Академик В. Ремисло. 20.20 — Одам қиёфасини ўзгартиради. Бадиий фильм. 3-серия. 21.30— Время. 22.05 — Нима? Қаерда? Қачон? 23.25 — Дунё воқеалари.

Москва-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 13.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — Астрономия. 11.05 — Жамиятшунослик. 12.40 — Ўчмас у кунлар шуҳрати. 13.40— География. 14.10 — Эльдорадони излаб. 15.00 — Совет тасвирий санъатида тарихий революцион мавзу. 15.30 — Табиатшунослик. 15.20 — Ўқув кўрсатуви. 16.20 — География. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.05 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.05 — Концерт. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.45 — Мотоспорт. 21.15 — Халқ оҳанглари. 21.30 — Время. 22.05 — Менинг кўчам. Бадиий фильм. 23.20 — Волейбол ЦСКА — «Локомотив» (Х).

Тошкент-I. 11.30 — Диндан қутилаб, ўйна қувнаб. 12.30 — Кинопрограмма. 18.00 — Саид мўъжизалар мамлакатида. Телетеатр. 18.45 — Акробатика. Узбекистон чемпионати. 19.10 — Экиш агрегатлари мавсумга шай бўлсин. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Турмуш ва маданият. 22.40 —Думбил. Бадиий фильм.

Тошкент-II. 18.10 — Биология. 18.40 — Телефильм. 18.50 — Математика. 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Реклама. 20.40 — Эстетика асослари. 21.20 — Қаҳетия ҳақида сўз. 21.30 —Москва-II.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/II да Ғариблар, 11/II да Кузнинг биринчи куни, 12/II да Инқилоб тонги, 13/II да Шошма, қуёш.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/II да Хизматингизга тайёриз, 11/II да Ёшлида берган нўнгил, 12/II да Ишонмасанг, ўламан, 13/II да Хотинимнинг эри.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА—10/II да Тиконсиз типратикончлар, 11/II да Гунохкор авлиё, 12/II да Мунофот, 13/II да Отасининг қизи.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА янги программа. «ПАҲЛАВОН ВА ШЕР» аттрационни.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь—334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048; 325354 партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ хўжалиги— 325647; адабиёт ва санъат—325767; совет қурилиши—325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; фан маданий ва олий ўқув юртлари—325553; фотомухбир—325894.

Р. 06078. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. А. 1540. 14